**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ**

**Махмудова М.**

# МУТАХАССИСЛИККА КИРИШ

## (Маърузалар матни)

**Самарқанд - 2007**

**М.Махмудова.** Мутахассисликка кириш. Маърузалар матни – Самарқанд: СамДЧТИ нашри, 2007, 51бет.

Ушбу маърузалар матни «Мутахассисликка кириш» фанидан бакалавриат талабаларининг зарурий тайёргарлик даражаси ва билимлари мазмунига қўйиладиган талаблар асосида тайёрланган. Малакавий талаблар бакалавр талабларининг фан бўйича қандай тасаввурга эга бўлиши, қандай кўникмалар ҳосил қилиши лозимлигини ўз ичига олади.

**Масъул муҳаррир:**

Ў.Отавалиева пед.фан.ном., проф.

**Тақризчилар:**

С.Абдувоҳидов пед.фан.ном., доц.

Ф.Б.Валиходжаева пед.фан.ном.

Мазкур маърузалар тўплами СамДЧТИ Услубий кенгашининг қарорига асосан чоп этилди. (2007 йил 26 апрелдаги № 8 баённома)

# КИРИШ

Давлат ва жамият тараққиётини таъминлашда бугунги кунда шаклланаётган ёш авлоднинг билимдонлиги ва тадбиркорлиги муҳим ўрин тутади. Шу сабабли, олий ўқув юртларининг шу кундаги вазифаси ўз мутахассислиги бўйича ҳар томонлама чуқур ва мустаҳкам билимга эга бўлаган, мустақил тафаккур қила оладиган, қурилаётган ҳуқуқий, демократик давлатимиз сиёсатини халқ оммаси ва ёшлар ўтасида тарғибот қилишга лаёқатли, ғоявий эътиқодли, ижодкор ва интизомда намуна бўла оладиган баркамол авлодни тарбиялашда ҳамда уларнинг сифатли ва самарали билим олишларини таъминлаш учун ўқув-тарбия, илмий ва жамоат ишларини юқори талаблар даражасига кўтариш мақсадида талабалар билан таълимнинг дастлабки босқичларидаёқ мунтазам ва астойдил шуғулланишдан иборат.

Кўп йиллик тажрибамиз шуни кўрсатмоқдаки, 1-2 курс талаба-ларининг кўплари олий мактаб қоидаларини жуда секинлик билан ўзлаштирадилар, ўз вақтларини тўғри режалаштира олмайдилар ва ундан унумли фойдаланишни билмайдилар. Баъзан эса ўзлари танлаган касби ҳақида етарли тасаввурга эга бўлмайдилар ҳам.

Шу сабабли олий ўқув юртлари барча факультетлари ўқув режа-ларига “Мутахассисликка кириш” фани киритилган. Бундан кўз-ланган мақсад талабаларни олий мактаб ҳаётига тезроқ мослаштириш, унинг шароитига кўниктириш бўлиб, оқибат натижада фанларни яхши ўзлаш-тиришларига ёрдам бериш, улгурмовчиликнинг олдини олиш ва олий ўқув юртларида муваффақиятли ўқишларини таъминлашдир.

Шу билан бир қаторда, талабаларда ўзлари танлаган ўқитувчилик ва тарбиячилик касбига қизиқиш ва меҳр уйғотишдир.

Фаннинг асосий вазифаси - талабаларни касбий фаолиятнинг ил-мий асослари билан таништириш; Олий ўқув юртида ўқув меҳнати маданиятини эгаллашларига кўмаклашиш; педагогик амалиётни ўташ-ларига ёрдам бериш; асосан мустақил равишда талабаларнинг ўзларида ўқитувчи ва тарбиячи шахсига керак бўлган фазилатларни шакллан-тириш ва ўз – ўзларини тарбиялашга ўргатишдир.

Таълимнинг, вазифаси фуқаролар ва ёшларнинг энг асосий конституциявий ҳуқуларидан бири бўлган ҳар бир кишининг ақлий – амалий имкониятларини рўёбга чиқариш, ижодий қобилиятларини намоён этиш, интеллектуал жиҳатдан ривожини таъминлаш, ўзи хоќлаган касбини танлаш, уни мукаммал эгаллаб, шу соҳада фаолият кўрсатиш учун моддий – маънавий, тарбиявий – дидактик шарт – шароит яратишдан иборатдир. Бу умумий вазифадан таълимнинг ҳар бир бўғини, тури ва босқичининг ўзига хос вазифалари келиб чиқади.

# БИРИНЧИ МАЪРУЗА

## МАВЗУ: «МУТАХАССИСЛИККА КИРИШ» ФАНИНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ.

### РЕЖА:

1. «Мутахассисликка кириш» фани ҳақида умумий тушунча.
2. Фанни ўрганишга бўлган эҳтиёж сабаблари.
3. Фаннинг мақсади ва амалдаги аҳамияти.
4. Талабаларда фан ва ўзлари танлаган касб ҳақида бошланғич билим ва тасаввурларни шакллантириш ҳамда уларни билим, књникма ва малакалар билан қуроллантириш бњйича белгиланган вазифалар.
5. Фаннинг минтақавий-структуравий схемаси.

### Таянч иборалар:

Мутахассислик, њқитувчи, билим, малака, књникма, талаба, касб, мантиқий, структуравий, схема.

«Мутахассисликка кириш» фани олий ўқув юртларининг биринчи курс талабаларини ҳозирги халқаро аҳвол, давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсати, њқув юртларининг қисқача тараққиёти тарихи, уларнинг тузилиши ва вазифалари, њқув жараёнини илмий асосда ташкил этиш, њқитиш жараёнининг асосий шакллари, ўқув

режасининг мазмуни, илмий-тадқиқот ишлари, талабаларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, талабаларнинг бњш вақтдан фойдаланишлари, мустақил ишлашни тўғри ташкил этиш, китоб устида ишлаш, табиат муҳофазаси, библиография техникаси кабилар билан таништиради.

Президент И.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси IX сессиясида (1997 й. 29 авг.) шундай деган эди:

«Ќозирги пайтда хорижий тилларни њрганиш ва њргатишга юртимизда катта аҳамият берилмоқда. Бугун жаќон ќамжамиятидан њзига муносиб ўрин эгаллашга интилаётган мамлакатимиз учун чет эллик шерикларимиз билан ҳамжиҳатликда, ќамкорликда њз буюк келажагини қураётган халқимиз учун хорижий тилларни мукаммал билишнинг аќамиятини баќолашнинг ќожати йњқдир.

Аммо шунга алоќида урғу беришимиз зарурки, чет тилларни њрганиш, минбаъд она тилини эсдан чиқариш ќисобига бњлмаслиги лозим.

Њз фикрини мутлақо мустақил, она тилида равон, гњзал ва лњнда ифода эта олмайдиган мутахассисни тушуниш қийин.

Њзбек боласига чет тилларнинг ажиб дунёсига бемалол кириш учун имкониятларни тњлиқ очиб беришимиз даркор.

Мамлакатимизда хорижий тилларни њрганишда миллий асосдаги жадаллаштирилган методикани тайёрлашни тезлаштиришимиз керак.

Аввало талабалар деган сњзнинг маъносини њрганиб чиқайлик. Ёшлар ота-оналар бағридан кетиб, њрта махсус ёки олий таълим муассасаларида таълим олар экан, масъулият бевосита таълим муассасасига њтади. Натижада унинг индивидуал ќаёт тарзи ёшлик ва

етуклик оралиғидаги давр бњлиб, њспиринликдан кейин физиологик њзгаришлардан ќам књра ижтимоий њзгаришлар књпроқ намоён бњлади. Бу давр 17-22 (25) ёшни њз ичига олади. Бу давр књп ёшларнинг талабалик даврига тњғри келади.

«Талабалар деганда моддий ва маънавий ишлаб чиқаришда ижтимоий ќаётга ва мутахассисликка оид ролларни муайян ќолда ва махсус дастур асосида бажаришга тайёрланаётган ижтимоий гуруќ тушунилади», - деб таъриф беради психолог олим Э.Ғозиев.

Мазкур давр фуқаролик ва психолог етукликка эриша бориш жараёнидир. Чунки бу даврда етук шахсга доир ижтимоий ќуқуқ ва бурчларнинг бутун тизими эгаллаб олинади. Њз-њзини англаб олишнинг ривожланиши асосида ёшларнинг касб танлаш ва уни эгаллашга оид шахсий ќаёт тарзи шакллана боради.

Њспиринлик даврининг тугалланиши унинг бошланишига қараганда бирмунча осойишта кечади. Зеро, физиологик жиќатдан етуклик психологик ва ижтимоий етукликка њхшамайди.

Ижтимоий етуклик талабаларни ќам ақлий қобилиятига, ќам ижтимоий ќаётда бажариладиган турли фаолиятга: оила қуриш, фарзанд тарбияси, ижтимоий фойдали меќнатда қатнашишга тайёрлайди. Бунда талабалар ижтимоий ќаётга оид маълумотга эга бњлиши, етук мутахассисликка эга бњлиши, қонунларга итоат этиши ва уни бажаришда жавобгарликни ќис этиши, ота-оналик бурчини ќис этиши, маълум ижтимоий гуруќга раќбарлик қила олиши, спорт секциялари ва маълум тњгаракларда қатнашишга тайёр бњлиши зарур.

Ижтимоий етукликнинг бошланишида айниқса қонунларни, унинг меъёрини билиш ва унга бњйсунишни тақозо этади. Агар шу даврда ёшларда ижтимоий таъсир у ёки бу сабабларга књра сусайиб кетса, ёшлар бу даврда ижтимоий ќаёт меъёрларига, ота-онага зид ќатти-ќаракат қилишлари мумкин натижасида ёвуз ғоялар ёшларимиз онги ва ақлига таъсир этиб, уларни ќар қандай усуллар билан њз томонларига оғдиришга ќаракат қиладилар ва баъзи ёшлар эътиқоди сустлиги, қонун ва унинг талабларини билмаслиги туфайли ёт таъсирларга берилиб ќам кетади. Шунинг учун ќам, ижтимоий ва психологик етуклик ёшларда маъсулият ва бурч ќиссини англаб олишда муќим саналади. Лекин ижтимоий етуклик психологик етукликдан кечроқ шаклланиб, ќамма ёшларда ќам 16-17 ёшда пайдо бњлавермайди. Њз оиласидан четга њқишга кетган ёш йигит-қиз дастлаб талабалик даврида пайдо бњлган мураккаб вазиятлар, мустақил ќаёт олдида эсанкираб қолиши мумкин.

Чунки, талабаликнинг дастлабки кунларидаги кайфиятнинг књтаринкилиги, завқ-шавқ туйғуси ёшларга књтаринки руќ берса, кундалик турмуш урунишлари, њқиш жараёнидаги муайян қонун-қоидалар, қийинчиликлар таъсир этиб, улар руќиятида баъзида тушкунлик юз бериши мумкин. Натижада, ички ва ташқи омиллар таъсирида талаба руќида ишончсизлик, умидсизлик каби ќис-туйғулар пайдо бњлиб, биз юқорида келтираётган ёт таъсирларга берилиб кетишга ёки нотњғри йњлга кириб кетишга олиб келади.

Масалан, 17-19 ёшда талаба ќали њз хулқини ќатти-ќаракатини бошқара олмаганлиги туфайли ќаётида эќтиётсизлик ќолатлари юз бериши мумкин. Шунга књра, айрим талабаларда

ќаётий тажриба етишмаслиги туфайли књп масалаларда ќоќиш-истакка берилиб, хатоликларга йњл қњяди. Уларда њзини-њзи таќлил қилиш, назорат қилиш, баќолаш, текшириш каби ќолатлар етишмайди. Шунинг учун ќам улар фаолиятида зиддиятлар, қарама-қаршиликлар мавжуд бњлади. Лекин аста-секин кейинги курсларга њтган сайин (II-III курс) уларнинг ижодий тафаккури, ќис-туйғулари, ахлоқий хислатлари њзини-њзи баќолаш асосида эътиқоди ќам шакллана боради. Бу даврда психологларнинг (Б.Г.Анаьнев) фикрига књра етуклик даври 18-20 ёшда физиологик имкониятлар юксак даражада ривожланади. Инсон аъзоларининг ташқи таъсирга жавоби, қон босимининг оптимал даражаси ортади, қон кислород билан тњйинади. Инсонда уқувлиликнинг қулай имкониятлари пайдо бњлади. Њқув ахборотни қабул қилиб, эслаб қолиш ва хотирада психологик функцияларнинг њсиши бошланиб, уқувлиликнинг имкониятлари пасаймайди.

Демак, ёшлик даврида њспиринликда таркиб топган энг яхши хислатлар тњлиқ шаклланади. Бу, айниқса, касб танлашда намоён бњлади. Умумий њрта таълим мактабида ва оилада тњғри касб танлашга йњналтирилган ёшлар институтда њз касбининг етук мутахассиси бњлиши учун ќаркат қилади, њқиб њрганади. Тњғри касб танлаш оилавий ќаётни ќам моддий, ќам маънавий томонидан тњғри таъминлашга ёрдам беради. Тњғри касб танлаш инсоннинг келажагини белгилашда катта аќамиятга эга. Ќар бир касб, албатта, инсоннинг қизиқиши ва қобилияти нақтаи назаридан танланади. Агар касб тњғри танланса, шу касбнинг етук мутахассиси бњлиб етишади. Агар касб танлашга ёшлар ота-оналар хоќиш истаги билан њзи

бефарқ қараган ќолда ёндашса, бунда келгуси ќаётида катта фожиаларга дуч келиши мумкин. Шунинг учун касб танлашда ота-она билан маслаќат қилиши билан бирга њзининг қобилияти, касбга лойиқлиги, моддий ва маънавий жиќат ќисобга олиниши муќим. Акс ќола нотњғри танланган касб натижасида уни њзлаштиришга ёки йиллаб њзи севмаган касб билан мажбуран шуғулланишига тњғри келади. Ана шундай шароитда энг аввало оила, фарзандлар азият чекади, оила моддий ва маънавий қийинчиликларга дуч келади. Оиладаги бу маънавий ва моддий зарар жамиятга ќам таъсир этади. Чунки ќар бир мутахассисни тайёрлаб етказгунча давлат қанчадан-қанча маблағ сарфлайди, њша ташлаб кетилган касбнинг моќир соќиби бњладиган инсон эса бунга эриша олмай сарсон-саргардон кезиши мумкин.

Ёшларнинг касб танлашида уларга касбнинг мослиги катта аќамиятга эга. Касбга мослик меќнат фаолияти жараёнида шаклланиб, унинг хулқи ќам таркиб топа боради.

Лекин баъзи касбларда алоќида қобилият, касбга мослик талаб этилмаса-да, баъзиларида мазкур касбга мослик, лаёқат талаб этилади. Масалан, учувчилик касби, жарроќлик, энергия тизими операторлари каби касбларда алоќида қунт, қобилият, билим ва зукколик талаб этилади. Санъат билан боғлиқ бњлган касбларда эса қобилият, ижодкорлик бњлмаса, санъаткор, рассом, актёр ёки архитектор бњла олмайди.

Баъзи ќолларда тњғри касб танланади. У ёшларнинг қизиқиши ва қобилиятига тњғри келади. Аммо меќнат фаолияти жараёнида унинг танлаган касби тњғри келмаслигини тушуниб етади. Бундай

ќолларда њз иродаси ва қобилиятини ишга солиб, қийинчилик-ларни енгиб њтиш зарур.

Демак, касб танлашда ўз қизиқишлари, қобилияти, имкониятларини ќисобга олиш, њз характерини билиш, њз ирода кучини англаб етишни баќолай олиш талабалик йиларида муќимдир. Лекин касб танлашни њсмирлик давридан бошлаб, талабалик йилларида эса юқори даражали мутахассисни тайёрлашда самарадорликка эришиш муќим аќамият касб этади.

Талабалар кун тартиби оиладаги њсмир ва њспиринларнинг кун тартибидан фарқ қилади. Талабаларнинг асосий вақти њқиш машғулотларига сарф бњлади. Лекин асосий мақсад, ана шу њқув машғулотларида талабанинг фаолиятини ошириш, кун тартибини тњғри ташкил этишдир. Бунинг учун талаба жисмоний тарбия машқлари, нонушта, бњш вақтини тњғри ташкил этиш, шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш, соғломлаштириш-спорт ишларига эътиборини қаратмоғи лозим. Агар талаба болалигидан оилада, њз ота-онаси бағрида кун тартибига қатъий риоя этса, у талабалик йилларида ќам кун тартибини тњғри туза олади. Бунда асосан њқиш машғулотларидан таълимга эътибор берилади. Лекин қолган бњш вақтини тақсимлашда санъат, спорт, китобхонлик билан шуғулланиш, маданий ќордиқ чиқариш (кинотеатрга бориш, радио, телевидение эшитиш ва књриш) буларнинг барчаси талаба кун тартибидан аниқ њрин олиши муќимдир.

Лекин талбалар орасида «Мустақиллик» натижасида машғулотларга қатнашмай, фақат бемаъни видиофильмлар таъсирида кунни кеч қилаётган, тунги барларда кунни тонгга улаётганлар ќам

мавжуд. Шуниндек, туғилган кун, байрамлар муносабати билан ќаётни фақат маишатдан иборат деб тушунаётган ёшлар ќам йњқ эмас. Шунинг учун ќам биринчи курс талабасини қабул қилиш билан унга олий њқув даргоќида кун тартибини қандай ташкил этиш юзасидан маслаќат уюштириш ва уни қатъий назорат қилиш мақсадга мувофиқ. Токи «эркин» ќаёт тарзи талабаларнинг келгуси оилавий ќаёт тарзига салбий таъсир этмасин ёки унинг равон кетаётган ќаётини издан чиқариб юбормасин.

Талаба ќаёт тарзининг энг муќим қирраларидан бирига бњш вақтни ташкил этиш шакллари ќам киради. Вақтдан тњғри фойдаланиш аввало ќар бир ёшнинг, қолаверса, жамиятнинг моддий ва маънавий бойлигини оширишнинг муќим мезонидир. Вақт иккига бњлинади: меќнат фаолияти, яъни иш билан бандлик ва бњш вақт.

Бњш вақт талабанинг њқув машғулотларидан озод пайтидир. Бњш вақт талабанинг маданий, маиший, маънавий эќтиёжларини, қизиқишларини истак ва хоќишларига књра ташкил этадиган фаолият жараёнидир.

Бњш вақт талабанинг қобилияти ва истеъдодига књра ташкил этиладиган асосий фаолиятдан ташқари-дам олиш, маданий ќордиқ чиқариш, мутолаа билан шуғулланиш, ақлий ва жисмоний қобилиятни мустаќкалаш ќамда уни қайтадан тиклашда њта муќим саналади.

Талабалар бњш вақтини ташкил этиш ќозирги пайтда маънавият ишлари бњйича ректор муовинларидан тортиб то гуруќ раќбарларигача, талабалар ётоқхонаси мутасаддиларидан тортиб ќар бир талабанинг њзигача катта масъулият юклайди. Демак, бњш

вақтни ташкил этиш талаба кун тартибини ташкил этиш билан узвий боғлиқ бўлиб, улар ўзаро бир-бирини тўлдиради. Қатъий кун тартибнинг йўлга қўйилиши бекорчиликка йўл қўймайди. Натижада турли беманигарчиликлар келиб чиқмайди. Бинобарин, талабалар бўш вақтини ташкил қилишда нималарга эътибор бериш мумкин:

1. Талабаларнинг китобхонлик даражасини ўстириш; унинг учун мустақил мутолаа қилишга аҳамият бериш (ихтисосликка оид, бадиий-техник ижодкорликка доир) вақтли матбуот билан танишиб бориш, радио-телевидение эшиттиришлари ва кўрсатувларини кўриб бориш;

2. Эстетик маданиятни ривожлантириш (кино, театр, турли концертлар, бадиий тасвирий кўргазмалар, ҳаваскорлик тўгараклари, музейларга бориш);

3. Ўлкашуносликка оид тадбирларни ташкил этиш (ўлка бўйлаб саёҳатлар, юришлар, сайрлар ташкил этиш);

4. Жисмоний чиниқишга доир тадбирлар (спорт-соғломлаштиришга доир мусобақалар, кўрик танловлар, спартакиада, универсиада, олимпиада ва бошқалар);

5. Ақлий камолотни ривожлантиришга доир тадбирлар (фан тўгараклари, фан олимпиадалари, бирлашмалар, марказлар, ижодкорлар танловлари);

6. Миллий ва маданий-маърифий қадриятлар билан боғлиқ тадбирлар (анъаналар, удумлар, байрамлар, сайрларда қатнашиш, ҳунармандчилик билан шуғулланиш ва ҳоказолар);

Талабаларнинг бўш вақтини ташкил этиш уларнинг ўқиш фаолияти самарадорлигини оширишга ҳам ёрдам беради.

## Иккинчи маъруза

## Мавзу: Ўқитувчилик касби, унинг ҳуқуқий, демократик жамиятдаги ўрни.

## РЕЖА

1. Њқитувчилик касби ќақида.
2. Њқитувчига қњйилаётган талаблар.
3. Њқитувчилик касбини танлаш.
4. Педагогик фаолият.
5. Педагогик қобилият ва маќорат.

## Таянч иборалар:

Њқитувчи, њқувчи, узлуксиз таълим, фаолият, обрњ, касб, лаёқат, касбий сифатлар.

Республикамиз ҳукумати халқ таълими соҳасида ўртага қўяётган вазифаларни бажариш кўп жиҳатдан ўқитувчиликка боғлиқ. Янги иқтисодий сиёсатга ўтиш шароитида таълим-тарбиядан кўзда тутилаётган мақсадларга эришиш, ўқувчиларнинг хилма-хил фаолиятини уюштириш, уларни билимли, одобли, эътиқодли, меҳнатсевар, баркамол инсон қилиб ўстириш ўқитувчи зиммасига юклатилган.

Ўзининг фидокорона меҳнати билан ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш сифатини оширишга катта ҳисса қўшаётган ижодкор ўқитувчилар сони йил сайин ортиб бормоқда. Айниқса, ислоҳотлар даврида бундай мураббийлар эл-юртга танилмоқда. Ҳар йили энг яхши ўқитувчини аниқлаш учун ўтказилаётган мактаб кўриклари, туман, вилоят, Республика танловлари ана шу ютуқларга омил бўлмоқда. Мактабларда «методист ўқитувчи», «катта ўқитувчи», «Њзбекистонда хизмат књрсатган ўқитувчи» унвонларига сазовор бњлган ўқитувчилар сони тобора књпаймоқда.

Халқимизнинг келажаги, мустақил Њзбекистоннинг истиқболи књп жиќатдан ўқитувчига, унинг савиясига, тайёргарлиги, фидойилигига, ёш авлодни њқитиш ва тарбиялаш ишига бњлган муносабатига боғлиқ.

Сњнгги йилларда педагогика институтларида, университет-ларда, педагогика билим юртларида ўқитувчилар тайёрлашни яхшилашга қаратилган књпгина ишлар амалга оширилди. Чунончи, бњлажак ўқитувчиларнинг касбий тайёрлигини кучайтириш, ихтисосга доир фанларни чуқур њргатиш ва педагогик маќоратни эгаллаш, назарий билимларни амалиётда қњллашга њргатиш масалаларига эътибор кучайди. Шуниндек, бњлажак ўқитувчиларга педагогика, руќшунослик, усулиётга доир фанларни њргатиш књлами янада кенгайди. Педагогика олий њқув юртларида бир қанча ихтисосликлар бњйича беш йиллик њқув режалари жорий этилди.

Узлуксиз педагогик таълим ғоялари амалга оширилмоқда. Шу муносабат билан ўқитувчилар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш иши давлат ва жамоатчиликнинг диққат марказига бњлади.

Бу тадбирлар университет ва педагогика институтларининг махсус факультетларида, малака ошириш институтларида амалга оширилмоқда. Ўқитувчиларни фалсафий жиќатдан кенг фикрловчи, мулоќазали бњлишларига эътибор берилаётир. Синфий, тарбиявий қарашларнинг бирёқламалигидан, айрим шахс ва груќлар манфаатидан умуминсоний қадриятлар устун туриши таъкидланмоқда.

Њзбекистон ќукумати мактаб ўқитувчиларининг ќафталик њқув ишлари ќажмини камайтирди, маошини оширди. Њқувчиларнинг дафтарларини текширгани учун, шунингдек, «Халқ ўқитувчиси», «Хизмат књрсатган ўқитувчи», «Методист-ўқитувчи»ларга ва илмий даражаси бор ўқитувчиларга қњшимча ќақ тњлаш жорий этилди. Педагогика њқув юртларида таълим олаётган талабаларнинг стипедиялари оширилди, овқатланиши учун, шахсий уйларда яшагани учун уларга қњшимча пњл тњланади.

Ўқитувчилик шарафли, лекин жуда мураккаб касбдир. Яхши ўқитувчи бњлиш учун педагогик назарияни эгаллашнинг њзигина етарли эмас. Чунки педагогик назарияда болаларни њқитиш ва тарбиялаш умумий қонун-қоидалар, умумлаштирилган услубий ғоялар баён этилди. Њқувчиларнинг ёш, индивидуал хусусиятларини эътиборга олиш таъкидланади. Мактаб ќаёти, амалий педагогик жараён эса жуда хилма-хилдир. Педагогик назарияга мос келмайдиган вазиятлар учраб туради. Бу эса њқитувчидан кенг билимдонликни, пухта амалий тайёргарликни, юксак педагогик маќорат ва ижодкорликни талаб этади.

Шунинг учун ќам мустақил Њзбекистон давлатининг умумий таълим мактабида ишлайдиган њқитувчи:

-педагогик фаолиятга қобилиятли, ижодкор, ишбилармон;

-миллий, маданий ва умуминсоний қадриятларни, дунёвий билимларни мукаммал эгаллаган, диний илмлардан ќам хабардор, маънавий баркамол;

-Њзбекистоннинг мустақил давлат сифатида тараққий этилишига ишонадиган, ватанпарварлик бурчини тњғри англаган, эътиқодли фуқаро;

-ихтисосга доир билимларни, психологик, педагогик билим ва маќорати, шунингдек, назарий илмларни мукаммал эгаллаган;

-њқитувчилик касбини ва болаларни яхши књрадиган, ќар бир њқувчиси улғайиб яхши одам бњлишига чин књнгилдан ишонадиган, уларнинг шахс сифатида ривожланиб, инсон сифатида камол топишига књмаклашадиган;

-эркин ва ижодий фикрлай оладиган, талабчан, адолатли, одобли бњлмоғи даркор.

## ЊҚИТУВЧИЛИК КАСБИНИ ТАНЛАШ

Бирор касбнинг ќақиқий устаси бњлиш учун кишида табиий қобилият, маълум жисмоний ва руќий хислатлар жо бњлиши зарур. Масалан артист бњлиш учун табиий овоз, эшитиш қобилияти, бежирим сурват, жисмонан соғлом бњлиш талаб этилади. Раќбарлик вазифасини бажариш учун ташкилотчилик, одамлар билан муомала-муроса қила билиш каби қобилиятларга эга бњлиш керак. Акс ќолда

касби ва ишидан бошқалар ќам, њзи ќам қаноат ќосил қилмайди. Киши касбини нотњғри танлаган бњлса, унга қизиқмаса, њзи ќам, бошқалар ќам ундан барака топмайди.

Педагогик, њқитувчилик фаолиятини, ёшларни њқитиш ва тарбиялаш ишини самарали бажариш, ота-оналар ва болаларнинг иззат-ќурматига сазовор бњлиш учун кишида бу ишда кишига лаёқат, қобилият, қизиқиш бњлмоғи лозим. Бошқа касблар каби њқитувчилик касбига ёшлар орасидан педагогик фаолиятга лаёқатли, болалар билан тил топиб муомала қила оладиган, илмли кишиларни танлаб олиш керак.

Педагоглик касбини танлаган киши аввало соғлом бњлиши, сњзларни тњғри ва яхши талаффуз қила олиши, асаблари жойида, вазмин бњлиши даркор. Шунингдек, болаларни ёқтириши, улар билан ишлашга майли борлиги, бошқалар билан мулоқот қила олиши, хушмуомалалиги, кузатувчанлиги, кенг фикрлай олиши, њзига ва бошқаларга нисбатан талабчанлиги ќам кишининг педагогик ишга яроқлилигини књрсатади. Бу сифатлар кишида бор-йњқлигини тиббиёт ходимлари, руќшунос, педагоглар оғзаки ва ёзма савол-жавоблар ёрдамида аниқлай олади.

## ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТ

Педагогик фаолият ёш авлодни ҳаётга, меҳнатга тайёрлаш учун халқ олдида, давлат олдида жавоб берадиган, болаларга таълим-тарбия беришга махсус тайёрланган одамларнинг меҳнат

фаолиятидир. Мактаб ўқитувчиларининг фаолияти инсон шахсини шакллантиришга қаратилган.

Ҳар бир бола ўз хулқ-атворига, характерига эга. Болаларни тарбиялашда уларнинг ана шу ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш, ўрганиш ниҳоятда мураккаб. Бунда одамлар ўртасидаги ижтимоий муносабатларни ўзида акс эттирувчи махсус усуллардан фойдаланилади. Педагогик фаолиятга тайёргарлик кўраётган ёшлар унинг ана шундай хусусиятларини билишлари лозим. Ўқитувчилик ихтисосининг бу хусусиятлари унинг профессиограммасида ифодаланади.

Профессиограмма қуйидагиларни ўз ичига олади: 1) ўқитувчи шахсининг хусусиятлари; 2) ўқитувчининг руҳий-педагогик тайёргарлигига қўйиладиган талаблар; 3) махсус тайёргарликнинг ҳажми ва мазмуни; 4) ихтисосга оид услубий тайёргарликнинг мазмуни.

-Ўқитувчи шахсининг хусусиятлари:

Ғоявий соҳада: илмий дунёқараш ва эътиқод; ижтимоий эҳтиёж ва ахлоқий зарuриятларни чуқур тушуниш; ижтимоий ва гражданлик бурчини англаш; ижтимоий-сиёсий фаоллик.

Педагоглик касби соҳасида; болаларни севиш ва улар билан ишлашга қизиқиш, педагогик ишни севиш; руҳий педагогик зийраклик, педагогик такт, педагогик тасаввур; ташкилотчилик қобилияти; ҳаққонийлик; дилкашлик; ўзини тута билиш; касбий лаёқатлилик.

Кенг илмий савия, маънавий эќтиёж ва қизиқиш, интеллектуал қизиқиш, янгиликни ќис қила билиш; педагогик маълумотларни оширишга интилиш эса билиш соҳасига киради.

## ПЕДАГОГИК ҚОБИЛИЯТ ВА МАҲОРАТ

Муваффақиятли ишлаш учун ҳар бир ўқитувчи педагогик маҳоратга эга бўлиши зарур. Педагогик маҳорат эгаси оз меҳнат сарф қилиб, катта натижага эришади. Ижодкорлик унинг ҳамиша ҳамкори бўлади. Педагогик иш қобилиятли, истеъдодли кишидагина педагогик маҳорат бўлиши мумкин.

Қобилият фаолият жараёнида пайдо бўлади ва ривожланади. Қобилият малака ва уддабуронликдан фарқ қилади. Малака ва уддабуронлик машқ, ўқиш натижаси ҳисобланса, қобилиятнинг ривожланиши учун эса яна истеъдод, лаёқат ва зеҳн, яъни инсон нерв тизимида анатомо-физиологик хусусият бўлиши ҳам зарур. Ана шу табиий заминда қобилият деб аталувчи руҳий хусусият тараққий этади. Педагогик фаолиятнинг  самарали бўлиши учун ўқитувчида қобилиятнинг қуйидаги турлари мавжуд бўлмоғи ва тарбиялаб етиштирилмоғи лозим.

**1. Билиш қобилияти**-фаннинг тегишли соҳаларига оид (математика, физика, биология, адабиёт ва ҳоказоларга доир) қобилиятдир. Бундай қобилиятга эга бўлган ўқитувчи фанни ўқув курси ҳажмида эмас, балки анча кенг ва чуқурроқ билади, ўз фани соҳасидаги кашфиётларни ҳамиша кузатиб боради, материални

ипидан игнасигача билади, унга ниҳоятда қизиқади, оддий тадқиқот ишларини ҳам бажаради.

**2. Тушунтира олиш қобилияти-**ўқув материалларини ўқувчиларга тушунарли қилиб баён эта олиш, ўқувчиларда мустақил равишда фаол фикрлашга қизиқиш уйғотиш қобилиятидир. Њқитувчи зарур ќолларда њқув материалини њзгартира олиши, қийин нарсани осон, мураккаб нарсани оддий, ноаниқ нарсани тушунарли қилиб њқувчиларга етказа олиши даркор.

Њқувчилар руќиятини ќисобга олиш зарур. Қобилиятли педагог њқувчиларнинг билим ва камолот даражасини ќисобга олади, уларнинг нимани билишлари, ќали нимани билмасликларини, нимани унутиб қњйганликларини тасаввур этади. Баъзи њқитувчиларга, айниқса тажрибаси кам њқитувчиларга њқув материали оддий, тушунарли ва қандайдир алоќида талаб этмайдигандек туюлади. Бундай њқитувчилар њқувчиларни эмас, балки њзларини назарда тутадилар. Қобилиятли, тажрибали њқитувчи њзини њқувчининг њрнига қњя олади, у катталарга аниқ ва тушунарли бњлган нарсаларнинг њқувчиларга тушунарсиз қийин ва мавќум бир нарса бњлиши мумкинлигига асосланиб иш тутади. Шунинг учун у баён этишнинг характер ва шаклини алоќида њйлаб чиқади, ќамда режалаштиради.

Қобилиятли њқитувчи дарс материалини баён этиш жараёнида њқувчиларнинг қандай њзлаштираётганликларини қатор белгилар асосида пайқаб олади ва зарур ќолларда баён қилиш усулини њзгартиради. Шунингдек қобилиятли њқитувчи њқувчиларнинг сабоқ њзлаштириб олишлари учун замин тайёрлаб, уларни дам

олишдан ишга њтишлари, бњшашиш, ланжлик, лоқайдликларига барќам бериш учун минимал даражада вақт ажратиш зарурлигини ќисобга олади. У тегишли вазият юзага келмагунга қадар иш бошламайди. Масалан, дарснинг ќаддан ташқари зњриқиш билан ва кучли бошланиши њқувчиларда муќофаза қилувчи тормозланиш деб аталмиш ќолатга сабаб бњлади, мия фаолияти туманлашади ва њқитувчининг сњзлари етарли даражада идрок қилинмайди.

**3. Кузатувчанлик қобилияти** - њқувчининг, тарбияланувчининг ички дунёсига кира олиш қобилияти, њқувчи шахси ва унинг вақтинчалик руќий ќолатларини жуда яхши тушуна билиш билан боғлиқ бњлган психологик кузатувчанликдир. Бундай њқитувчи њқувчининг руќиятидаги књз илғамас њзгаришларни ќам фаќмлаб олади. Њқувчилар бундай њқитувчи ќақида: «Қарамаётганга њхшайди-ю, ќамма нарсани књриб туради!», «Њқувчининг хафа бњлганлигини ёки дарс тайёрламаётганлигини књзидан билади!», дейдилар.

**4. Нутқ қобилияти**-нутқ ёрдамида шунингдек, имо-ишора воситасида њз фикр ва туйғуларини аниқ ва равшан ифодалаш қобилияти. Бу њқитувчилик касби учун жуда муќимдир.

Њқитувчининг нутқи дарсда ќамиша њқувчиларга қаратилган бњлади. Њқитувчи янги сабоқни тушунтираётган, њқувчининг жавобини таќлил қилаётган ёки танқид қилаётган бњлса ќам унинг нутқи ќамиша њзининг ички кучи, ишончи, њзи гапираётган нарсага қизиққанлиги билан ажралиб туради. Фикрнинг ифодаси њқувчилар учун содда, тушунарли бњлади.

Њқитувчининг баёни њқувчилар фикри ва диққатини максимал даражада фаоллаштиришга қаратилган: њқитувчи њқувчилар олдида саволлар қњйиб, уларни аста-секин тњғри жавоб беришга ундайди, њқувчининг диққатини кучайтиради ќамда фикрини фаоллаштиради. («Мана бу ерга алоќида эътибор беринг!», «Њйлаб књринг!» каби.) Шуниндек, њринли қочириқ, ќазил, енгилгина истеќзо нутқни жонлантириб юборади ва уни њқувчилар тез њзлаштирадилар.

Њқитувчининг нутқи аниқ, жонли, образли, талаффузи жиќатдан ёрқин, ифодали, ќис-ќаяжонли бњлиб, унда стилистик, грамматик, фонетик нуқсонлар учрамаслиги лозим. Бир хилдаги чњзиқ, зериктирадиган нутқ њқувчиларни жуда тез чарчатади, уларни ланж, лоқайд қилиб қњяди. Айрим њқувчилар тез гапиришга, бошқаси секин гапиришга мойил бњладилар. Бироқ њқувчиларнинг њзлаштиришлари учун њртача, жонли нутқ яхши натижа беришини эсдан чиқармаслик лозим. Шошқалоқлик сабоқни њзлаштиришга халақит беради ва болаларни тез чарчатиб қњяди. Ќаддан ташқари кескин ва бақироқ нутқ њқувчиларнинг асабини бузади, толиқтириб қњяди. Њқитувчининг заиф овози ёмон эшитилади. Ниќоятда књп такрорланадиган бир-хилдаги имо-ишоралар ва ќаракатлар кишининг ғашини келтиради.

**5. Ташкилотчилик қобилияти**-биринчидан, ўқувчилар жамоасини уюштириш, жипслаштириш, муҳим вазифаларни ҳал этишга руҳлантиришни, иккинчидан, ўз ишини тўғри уюштиришни назарда тутади.

Ўз ишини ташкил этиш деганда ишни тўғри режалаштира олиш ва уни назорат қила билиш назарда тутилади. Тажрибали

ўқитувчиларда вақтни ўзига хос ҳис этиш-ишни вақтга қараб тўғри тақсимлай олиш, белгилаган муддатда улгуриш хусусияти ќосил бўлади.

Дарс давомида кутилмаганда ортиқча вақт сарфлаш ҳоллари баъзан учраб туради. Аммо тажрибали ўқитувчи зарур ҳолларда дарснинг режасини ўзгартира олади.

**6. Обрў орттира олиш қобилияти-**ўқувчиларга бевосита эмоционал-иродавий таъсир кўрсатиш ва шу асосда эмас, балки ўқитувчининг фанни яхши билиши, меҳрибонлиги, назокатлилиги ва ҳоказолар асосида ҳам қозонилади. Бу қобилият ўқувчи шахсий сифатларининг бутун бир йиғиндисига, чунончи унинг иродавий сифатларига (дадиллиги, чидамлилиги, қатъийлиги, талабчанлиги ва ҳоказоларга), шунингдек, ўқувчиларга таълим ҳамда тарбия бериш масъулиятини ҳис этишга, ўзининг ҳақ эканлигига ишонишга, бу ишончни ўқувчиларга етказа олиш кабиларга ҳам боғлиқ.

Ўқувчилар кўполлик қилмайдиган, қўрқитмайдиган, тўғри талаб қўя оладиган ўқитувчини жуда ҳурмат қиладилар.Ўқитувчининг бўшанглиги, лақмалиги, саботсизлиги ва иродасизлигини ёқтирмайдилар.

7. **Тўғри муомала қила олиш қобилияти-**болаларга яқинлаша олиш, улар билан педагогик нуқтаи назаридан жуда самарали ўзаро муносабатлар ўрната билиш, педагогик назокатнинг мавжудлиги билдирилади.

**8. Келажакни књра билиш қобилияти-**њз ќаракатларининг оқибатини књра билишда њқувчининг келгусида қандай одам бњлишини тааввур қила олишида, тарбияланувчида қандай

фазилатларни тараққий эттириш лозимлигини олдиндан бера олишда ифодаланади. Бу қобилият педагогик оптимизга, тарбиянинг қудратига боғлиқдир.

**9. Диққатни тақсимлай олиш қобилияти**-ўқитувчи учун диққатнинг барча хусусиятлари-ҳажми, кучи, кўчувчанлиги, ирода қилина олиши, сафарбарлиги кабиларнинг тараққий этилиши билан изоҳланади.

Диққатни айни бир вақтда тақсимлаш қобилияти ўқитувчилик учун алоҳида аҳамият касб этади. Қобилиятли, тажрибали ўқитувчи сабоқни баён қилиш мазмуни ва формасини ўз фикрини (ёки ўқувчининг фикрини) диққат билан кузатади, айни вақтда барча ўқувчиларни кўриб туради, толиқиш, эътиборсизлик, тушунмаслик аломатларини ҳушёрлик билан кузатади, интизомсизлик ҳолларини эътибордан қочирмайди, ниҳоят ўз ҳатти-ҳаракатини ҳам кузатиб боради. Тажрибасиз ўқитувчи кўпинча сабоқни баён қилишга берилиб кетиб, ўқувчиларни эътибордан четда қолдиради, назорат қилмай қўяди: борди-ю ўқувчиларни диққат билан кузатишга ҳаракат қилса, фикр калавасини йўқотади.

Ўқитувчи юқорида кўрсатилган қобилиятлардан ташқари, бир қанча ижобий сифатларга-аниқ мақсадни кўзлаш, қатъийлик, меҳнатсеварлик, камтаринлик каби сифатларга ҳам эга бўлиши керак. Бундай хусусиятлар бўлмаса, ўрта педагогик даражасидан юқорига кўтарила олмайди.

# ЊҚИТУВЧИНИНГ КАСБИЙ СИФАТЛАРИ

Эътиқод, одоб, фуқаролик бурчини англаш – њқитувчининг асосий сифатларидан биридир. Мактаб њқитувчиси њзи тарғиб қилаётган идеалнинг фазилатларини шахсий намунасида књрсатиши керак.

Болаларга меќр-муќаббат њқитувчининг энг муќим фазилатларидир. Бу болаларнинг ќамма қилиқ-қилмишларини кечириш, уларга хушомадгњйлик қилиш эмас, балки талабчанлик ва қаттиққњллик, адолатлилик билан қњшилган меќр-муќаббат бњлиб ана шу сифатга эга бњлган шахс њзининг књп вақтини ва кучини болалар манфаати йњлида эќтиёжларни чеклашга тайёр туради.

Ижтимоий фаоллик ва фуқаролик  бурчини англаш  њқитувчи шахсига

хос сифат, зеро ќақиқий педагог тњла маънодаги жамоатчи бњлиб, болаларга ќаётда ижтмоий фаол ќолатда туришнинг амалий намунасини књрсатади.

Њқитувчининг муќим фазилати-кишилар билан тез эл бњла олиш, књпчиликка аралаша билиш, улфатижонлик, дилкашлик бњлиб, бу унда муомала маъданиятининг юксаклигини ифодалайди. Чунки њқитувчига ќамиша одамлар билан алоқа қилишга, улар билан ишлашга тњғри келади. Њқитувчи ишидаги муваффақиятни кундалик фаолиятида катталар ва болалар, айрим гуруќ ва якка шахслар билан алоқага кириша олиш қобилияти таъминлайди.

Алоқаларда, фаолиятда дуч келинадиган турли хил воқеаларга педагогик қоидалар нуқтаи назаридан догматик муносабатда бњлиш

эмас, балки уларни ўз ҳолича идрок этиб, адолатли баҳолаш, муносабатда одил бўлиш ўқувчининг орўсини оширади.

Ўқитувчининг одоби, маданияти юксак бўлсагина, одамларга нисбатан меҳрибон, саҳоватли бўла олади, уни ҳамма ҳурмат қилади. Бунинг учун очиқ кўнгил, қатъий бўлиш, ўзини тута билиши, бардошли бўлиши керак. Болаларга нисбатан талабчан бўлиши билан бирга ўз шахсига танқидий нуқтаи назардан қарай олиши керак.

Ўқитувчи одоби умуминсоний ахлоқнинг категориялари, қоидалари ва нормаларини таълим-тарбия жараёнига хос хусусиятлари билан уйғунлаштириб, педагогнинг ўқувчилар, ўқитувчилар жамоаси, ота-оналар ва жамоатчилик вакиллари билан муносабатида ифодаланган касбий-ахлоқий хусусиятидир.

Ўқитувчи педагогик этиканинг нормасини ўзлаштириб олиши, тажрибада қўллаши, ўзининг дунёқараши ва ахлоқий тажрибаси билан таққослаши лозим. Фикрлаш ва ҳис этиш, турмушда синаб кўриш натижасида педагогик этиканинг қоидалари ўқитувчининг ўз эътиқодига, интилишига, ўз ахлоқий сифатига айланади.

Бу ахлоқий эътиқод ўқитувчининг дарс бериш жараёнида, тарбиявий ишларда, ўқитувчилар ва бошқа кишилар билан муносабатларида, муомаласида, кундалик турмушда ўзининг шахсий намунаси билан ахлоқий таъсир ўтказишида кўзга ташланади. Педагогик такт ўқитувчи ахлоқининг амалий кўринишларидан биридир. Муаллим ахлоқининг натижалари унинг ёшларга ахлоқий таъсирининг самарадорлигида намоён бўлади.

Педагогик этиканинг асосий тушунчалари умуминсоний ахлоқий категорияларига мос келади ва уларни њқитувчи фаолияти билан боғлиқ тарзда бир қадар аниқлайди. Педагогик этикада гуманизм, адолатлилик, ќалоллик, яхшилик қилиш кабилар њқитувчи фаолияти билан боғлиқ равишда таќлил қилинади.

Ахлоқ назариясида яхшилик энг муќим категория ќисобланади. Яхшилик-ахлоқий ижобий фазилат бњлиб, норматив этиканинг идеалини, индивидуал ахлоқда ижобий-хулқий фазилатларнинг мазмунини инсон фаолияти ёки бирор ќатти-ќаракатига ижобий муносабатнинг йиғиндисини акс эттиради. Яхшилик-кишининг онги ва ахлоқий амалиётида жамият ва шахс манфаатларининг бирлигини акс эттириб жамият ва шахсга манфаат келтирадиган, ижтимоий тараққиётга мос келадиган тушунчадир.

Педагогик этикада яхшилик тушунчаси њқитувчи фаолияти билан боғлиқ ќолда аниқлаштирилади. Унда њқитувчи ва њқувчилар жамоаси манфаатларининг бирлиги, муаллим ва њқитувчи мақсадининг бирлиги, таълим ва тарбиянинг самараси учун курашнинг бирлиги акс этади. Яхшилик фазилати иккала томоннинг ќам яхши нияти, хайрихоќ, меќрибон бњлишини тақазо қилади. Яхшилик қарор топиши учун ёмонликка муросасиз бњлиш лозим. Яхши истак билан хушмуомалалик, яхши қилиқ, яхши ќатти-ќаракатнинг бирлиги зарур.

Шахс ахлоқини характерлайдиган белгиларидан бири масъулиятдир. Њқитувчининг масъулияти-масъулият тушунчасининг бутун мазмунини сақлаган ќолда муаллимнинг фаолияти ва таълим-тарбия жараёнининг аниқ фазилатларини ќам њз ичига олади.

Ўқитувчи зиммасига бола шахсини ҳар томонлама камол топтириш масъулияти юкланади. Муаллим ўқувчига чуқур назарий билимлар бериши, уни ҳаётга, меҳнатга тайёрлаши лозим. Шу билан бирга, у боладаги мажуд лаёқат ва қобилиятини пайқаб, индивидуал муносабатда бўлиши, унда мавжуд бўлган ижобий ахлоқий сифатларни авайлаб ўстириши даркор.

Муаллим синфда жамиятнинг вакили сифатида ўқувчилар жамоаси билан ёлғиз иш олиб боради. Бундай шароитда ўқитувчининг масъулияти унинг хулқини тартибга солиб турадиган, бошқарадиган куч, ўқувчиларга таъсир ўтказишнинг асосий мезони ҳисобланади.

Педагогик одобга эга бўлган ўқитувчи ўқувчилар орасида обрў қозонади. Ўқитувчи қанчалик кўпроқ обрў қозонса, таълим ва тарбия моҳияти шунчалик мавуффақиятлироқ бўлади ва аксинча, ўқитувчининг обрўйи қанчалик паст бўлса, унинг болаларга таъсири шунча бўш ва ўқувчиларни вояга етказиш жараёни ҳам шунча заиф бўлади.

Ўқувчи деярли ҳар куни ўқувчилар билан учрашади, савол-жавоб қилади, уларнинг яхши ишларини маъқуллайди, билимини баҳолайди, ножўя ҳатти-ҳаракатлари учун танбеҳ беради. Албатта ўқитувчининг фикри, мулоҳазааларида нисбийлик, субъективлик аломатлари мазжуд. У ҳаммага айнан бирдек жуда тўғри муносабатда бўла олмаслиги мумкин. Лекин у ҳамма ўқувчиларга нисбатан холис ниятли, яхшилик қилишга интилувчан, адолатли киши экалигига барчанинг ишончи комил бўлмоғи даркор. Синфда ўқитувчи «яхши кўрадиган», «ёмон кўрадиган» ўқувчилар бор

деган таассурот туғилмаслиги керак. Хуллас, обрњ њқитувчилик фаолияти учун зарур хусусиятдир. Обрњ  кишининг чуқур билими, юксак ахлоқий сифатлари, ќаёт тажрибаси, илмий тадқиқот ва жамоат ишларида фаол иштирок этиши туфайли орттирилган, књпчилик томонидан эътироф этилган таъсири, нуфузидир.

Педагогик фаолият њз моќиятига књра ижодий характерга эга. Маълумки, инсон олдида барор муаммо тургандагина ижодкорликка эќтиёж туғилади. Њқитувчилар фаолияти ана шундай хусусиятга эга. Педагогик ижодкорликнинг асосий моќияти педагогик фаолиятнинг мақсади ва харатери билан боғлиқ. Педагогик фаолият киши шахсини, унинг дунёқараши, эътиқоди, онги, хулқ-атворини шакллантиришдек умумий мақсадга бњйсунган сон-саноқсиз педагогик масалаларни ечиш жараёнидир. Њқитувчи фаолиятидаги ижодкорлик ана шу масалаларни ечиш усулларида, уларни ќал қила олиш йњлларини қидириб топа билишларида ифодаланади.

Педагогик ижодкорлик манбаи-бу педагогик тажрибадир. Педагогик тажриба-муаммоли вазиятларга жуда бойдир. Илғор педагогика тажриба деганда биз њқитувчининг њз педагогик вазифасига ижодий ёндошишини, њқувчилар таълим-тарбиясида янги, самарали йњл ва воситаларни қидириб топишини тушунамиз.

Илғор педагогик тажриба њқитувчи томонидан қњлланиладиган иш шакли ва усуллари, услубий воситаларидир. Улар воситасида њқув-тарбиявий ишларда энг юқори натижаларга эришилади.

Илғор педагогик тажрибани њрганиш, унга асосланиб янги педагогик ќодиса ва қонуниятларни очиш њқув-тарбия жараёнига яхши сифатли њзгаришлар киритади, њқувчиларнинг билиш

фаолиятини бошқариш, янги књришдаги њқув жараёнини моделлаштириш муаммоларини ечишга сабаб бњлади.

Ижодий ишлайдиган њқитувчи фақатгина болаларни муваффақиятли њқитиш ва тарбиялаш, илғор њқитувчилар иш тажрибаларини њрганиш билангина чекланиб қолмасдан, тадқиқотчилик књникма ва малакаларига ќам эга бњлиш зарур.

Ќозирги замонда фан ва техника тараққиёти њқитувчининг ижодкор бњлишини, фаннинг муќим муаммолари юзасидан эркин фикр юрита олиши, фан ютуқларини њқувчиларга етказа олиши ва ниќоят њқувчиларни ќам ижодий фикрлашга, тадқиқот ишларига њргата олишини талаб қилади. Шунинг учун њқитувчи аввало тадқиқотчилик малакаларини эгаллаши зарур. Њқитувчи илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш давомида омилларни тњплайди, улар асосида хулосалар чиқаради. У фан хулосаларидан њзининг амалий фаолиятида фойдаланиш жараёнида ќозирги замон њқитувчиси учун зарур бњлган жуда муќим фазилатларни эгаллайди.

## Учинчи маъруза

## Мавзу: Олий ўкув юртида ўқув-тарбия жараёнининг ташкил этилиши.

**РЕЖА:**

1 .Олий таълимнинг максади, вазифалари ва ташкил килиниши. 2.Ўқув - тарбиявий жараёнини ташкил қилиш.
3.Олий таълим муассасалари талабалари.

**Таянч иборалар:** давлат, сиёсати, гуманистик, демократик, университет, грантлари, тўлов контракт воситалари, абитуриент, тест, юридик шахс, низом, институт, ўрта махсус, касбий, олий таълим стандартлари, дастур, давлат рақобатбардош, технология, бакалавриат, магистратура, академия, нодавлат, аттестация, акредитация, маъруза, семинар, амалий машғулот, лаборатория иши, коллоквиум, аудитория, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар.

**Олий таълим ҳақидаги низом Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1998 йил 30 октябр 305 сонли буйруғи билан тасдиқланган**

Умумий ўрта, махсус, касб-хунар таълими негизидаги олий таълим узлуксиз таълим тизимининг мустақил тури бўлиб «Таълим тўғрисида» ҳамда «Кадрлар тайёрлаш Миллий астури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларига мувофиқ амалга оширилади.

Олий таълим соҳасидаги давлат сиёсати қуйидаги тамойилларга асосланади:

- таълим ва тарбиянинг гуманистик, демократик мазмунда эканлиги;

-университет таълимининг устуворлиги;

-ўрта махсус, касбий, олий ва олий таълимдан кейинги таълимнинг узлуксизлиги, кетма-кетлиги;

- таълим тизимининг дунёвий мазмунда эканлиги;

-давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиқлиги;

- таълим дастурларини танлашга умумий ва табақалашган ёндашув; -билимдонлик ва истеъдодни рағбатлантириш;

-олий таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйғунлаш-тириш;

-олий таълим, фан ва ишлаб чикариш бирлашувини таъминлаш; Талабаларни олий таълим муассасаларига қабул қилиш давлат грантлари ва тўлов-контракт воситаси билан абитуриентларнинг билим даражасини тест ва бошқа синов турларига биноан аниқлаш йўли орқали амалга оширилади;

Олий таълим муассасалари-юридик шахс, улар олий таълим дастурларини амалга оширадилар, амалдаги қонуний тартибда ташкил этадилар, ўзларининг устави ва мазкур Низом асосида фаолият кўрсатадилар.

Олий таълим муассасаси устави мазкур Низом, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январь 5-сонли Қарори билан тасдиқланган «Таълим муассасаси уставини ишлаб

чиқиш тартиби»га мувофиқ, тайёрланади, Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлиги томонидан тасдиқланади, маҳаллий маъмурий идораларда рўйхатга олинади.

## Олий таълимнинг мақсади, вазифалари ва ташкил қилиниши

Олий таълимнинг мақсади Ўзбекистоннинг юксак ривожланган демократик мамлакатлар даражасида илмий-техникавий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланиш билан таъминлай оладиган, юксак маънавий, маданий ва ахлоқий фазилатларга эга юқори малакали рақобатбардош кадрлар етиштиришдир.

Олий таълимнинг асосий вазифалари қуйидагилар:

-давлат таълим стандартларига мувофиқ илғор, замонавий таълим ва касб-ҳунар асосида юқори самарали ўқитишни ташкил қилиш ва малакали кадрларни етиштиришни таъминлаш;

-мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий ривожланиши истиқболлари, жамият талабларига биноан фан, техника, илғор технология, иқтисодиёт ва маданиятнинг замонавий ютуқлари асосида кадрлар ўқитишни ташкил қилиш ва унинг услубларини мунтазам такомиллаштириш;

-ёшларни миллий тикланиш мафкураси ва умуминсоний қадриятларини билиш асосида, мустақиллик ғоялари, Ватан, оила, табиатга меҳр ва инсонпарварлик руҳида тарбиялаш;

- таълим, фан ва ишлаб чикариш бирлашувининг амалий тизимларини ишлаб чиқиш ва амалиётга киритиш;

-илмий-педагогик кадрлар ва талабаларнинг илмий тадқиқотлари ва ижодий фаолиятлари орқали фан, техника ва технологияларни ривожлантириш;

-давлат ва нодавлат таълим муассасаларини ривожлантириш асосида таълим хизматлари бозорида рақобатли муҳитни шакллантириш;

-олий таълим муассасаларини такомиллаштириш ва улар мустақиллигини кенгайтириш; таъсисчилар, васийлар, жамоат кузатув кенгашлари шаклида янги жамоат бошқарувини киритиш;

-олий таълим сохасида юксак ривожланган мамлакатлар билан ўзаро фойдали хамкорликни ривожлантириш;

Олий таълим тизими қуйидагилардан иборат:

-давлат таълим стандартларига мувофиқ таълим ва касбий-таълим дастурини амалга оширувчи давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари;

-олий таълим ривожланишига зарур бўлган тадқиқот ишларини бажарувчи илмий-педагогик муассасалар;

-таълимни бошқариш давлат идоралари, ҳамда улар тасарруфидаги корхона, муассаса ва ташкилотлар.

Олий таълим муассасалари мутахассислар тайёрлашни олий таълим йўналишлари ва ихтисосликлари классификаторига мувофиқ амалга оширилади.

Фақат давлат таълим муассасаларида тайёрланадиган таълим йўналишлари ва ихтисосликлари рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маќкамаси жорий қилади.

Олий таълим муассасалари томонидан таълим йўналишлари ва ихтисосликларининг рўйхати таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида маркетинг ривожланиши билан аниқлаб борилади ва меҳнат бозори талаби ҳисобга олинган ҳолда, даврий қайта кўриб чиқилади.

Олий таълим икки поғонага-бакалавриат ва магистратурага эга.

Бакалавриат ихтисосликлари йўналиши бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, ўрта махсус, ўрта касбий таълим негизида, муддати камида тўрт йил давом этадиган таянч олий таълимдир.

Бакалавр дастури тугаллланганидан сўнг битирувчиларга давлат аттестацияси якунларига биноан касб бўйича «бакалавр» даражаси берилади ва давлат томонидан тасдиқланган намунадаги, касбий таълим билан шуғулланиш ёки олий таълимнинг кейинги босқичида ўқишни давом эттириш ҳуқуқини берадиган диплом топширилади.

Магистратура аниқ ихтисослик бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, бакалавриатдан кейин унинг негизида таълим муддати камида икки йил давом этадиган олий таълимдир.

Магистратура дастурини тугаллаган битирувчиларга давлат аттестацияси якунига кўра таълим йўналишининг муайян ихтисослиги бўйича «магистр» даражаси берилади ва тегишли илова билан давлат намунасидаги диплом топширилади.

Магистратурага кабул қилиш танлов асосида, таълимни бошқарувчи ваколатли давлат идораси тасдиқлаган «Магистратура ҳақида Низом»да белгиланган тартибда амалга оширилади.

Давлат нусхасидаги бакалавр ёки магистр дипломлари улар эгаларига ўзларининг таълим йўналиши (ихтисоси) бўйича касбий фаолият билан шуғулланиш ёки кейинги таълим муассасаларида ўқишни давом эттириш ҳуқуқини ҳам беради.

Ўзбекистон Республикасида олий таълим муассасаларининг қуйидаги турлари жорий этилади: университет, академия, институт.

Университет:

-билим соҳалари ва билим бериш йўналишларининг кенг қамрови бўйича олий ва ундан кейинги таълим турлари дастурларини амалга оширади;

-олий таълим муассасалари турли иқтисодий соҳалар мутахассислари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар, педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш амалиётини бажаради;

-фанлар кенг қамрови бўйича фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб боради;

-билимнинг тегишли соҳалари бўйича илмий ва услубий марказ бўлади;

**Академия:**

- муайян билим соҳалари ва кадрлар тайёрлаш йўналишлари бўйича олий ва ундан кейинги таълимларнинг касбий таълим дастурларини амалга оширади;

- маълум соҳалар учун олий малакали кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш билан шуғулланади;

-фан, маданият, санъат соҳалари бўйича фундаментал ва амалий тадқиқотлар бажаради;

-ўз фаолияти соҳасида етакчи илмий ва услубий марказ бўлади;

**Институт:**

-одатда, билимларнинг бир соҳаси доирасида олий ва ундан кейинги таълимларнинг касбий таълим дастурларини амалга оширади;

-халқ хўжалигининг маълум соҳалари учун мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни амалга оширади;

-амалий ва шунингдек, фундаментал илмий тадқиқотлар олиб боради.

Олий таълим муассасаларида йўналишлар бўйича факультетлар, бўлимлар ва талабалар академик гуруҳлари тузилади.

Олий таълим соҳасидаги таълим хизмати бозори, давлат томонидан бошқариладиган таълим муассасалари ўртасида рақобат муҳитини шакллантириш, давлат ва нодавлат таълим муассасалари ривожланишини таъминлаш, асосий касбий-таълим дастурларида кўзда тутилмаган пулли маслаҳатлар ва қўшимча хизматларни ривожлантиришга асосланади.

Олий таълим муассасаларининг ташкил этилиши, қайта тузилиши ва тугатилиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маќкамаси жорий этган тартибда амалга оширилади.

Давлат буюртмаси бўйича олий маълумотли ва юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш давлатга қарашли ва нодавлат таълим муассасаларига ҳар йили ажратиладиган давлат таълим грантлари асосида амалга оширилади. Давлат таълим грантлари хисобига бўлган ўқитиш харажатлари республика бюджети хисобига қопланади.

Корхона ва ташкилотлар буюртмалари бўйича мутахассислар тайёрлаш таълим муассасалари томонидан контракт асосида амалга оширилади. Корхона ва ташкилотларнинг ўз грантларини таълим ва илмий муассасаларга ҳам, бевосита фуқароларга хам ажратиши мумкин. Корхона ва ташкилотларнинг грантлари бевосита фуқароларга, уларнинг таълим муассасаларига кириш учун конкурсдан ўтиш натижаларига кўра ажратилади.

Таълим ва илмий муассасаларнинг таълим жараёни билан боғлик, харажатларига, шу жумладан, ўқитувчилар ва илмий раќбарлар меҳнатига ҳақ тўлаш, моддий техник негизни маблағ билан таъминлаш, ривожлантириш
ва уни мустаҳкамлаш харажатлари, корхона, ташкилот ва фукаролардан олинган маблағлар ҳисобига ҳам қопланади.

Давлат ҳамда корхона ва ташкилотлар грантларини таълим ва илмий муассасалар ёки фуқароларга ажратиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган «Давлатга қарашли ва нодавлат таълим муассасалари учун таълим грантлари ҳақида Низом» асосида жорий қилинади.

Давлат таълим грантлари асосида таълим олган мутахассислардан фойдаланиш бозор муносабатлари билан давлат манфаатларини самарали қўшган ҳолда амалга оширилади.

Олий таълим муассасаси томонидан давлат таълим стандартларининг бажарилиши ҳамда кадрлар тайёрлаш сифатининг назорати таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат идораси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказидаги Кадрларни тайёрлаш

сифатини назорат қилиш, педагогик кадрлар ва таълим муассасаларини аттестатлаш бошқармаси томонидан амалга оширилади.

Олий таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш уларнинг идоравий бўйсуниши ва мулкчилик шаклидан қатъи назар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган низом асосида Давлат тест марказининг Кадрларни тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагогик кадрлар ва таълим муассасаларини аттестатлаш бошқармаси томонидан амалга оширилади.

Олий таълим муассасаларини аккредитатлаш тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси жорий қилади.

Давлатга қарашли олий талим муассасасини таъсис этиш ҳақидаги далолатнома унга таълим фаолиятини олиб бориш ҳуқуқини беради.

Нодавлат олий таълим муассасаси таълим фаолиятини олиб бориш ҳуқуқига давлат аккредитациясидан ўтган пайтдан бошлаб эга бўлади ва амалдаги тартибда аттестациядан ўтказилади.

Олий таълим муассасаси давлат аккредитациясидан аттестация натижалари бўйича маҳрум қилиниши мумкин.

## Ўқув-тарбиявий жараённи ташкил қилиш

Олий таълим муассасасидаги таълим жараёни давлат таълим стандартларини амалга оширишни таъминлайди.

Олий таълим муассасаларида ўқув машғулотларининг қуйидаги турлари жорий қилинган: маъруза, маслаҳат, семинар,

амалиёт, машғулот, лаборатория иши, назорат иши, коллоквиум, мустақил иш, амалиёт, курс лойиҳаси (иши), малака битирув иши.

Аудитория машғулотларининг барча тури учун 45 (ёки танаффуссиз жуфт маърузалар учун 40) минутли академик соат жорий қилинган. Машғулотлар ўртасидаги танаффус 10 минутдан кам эмас.Олий таълим муассасаларида ўқув йили, одатда, икки семестрга бўлинади, улардан ҳар бири талабалар ўзлаштириши натижаларининг якунланиши билан тугалланади.

Талабаларнинг фанларни ўзлаштириши «аъло», «яхши», «қониқарли», «қониқарсиз» баҳоларга муқобил ўзлатириш кўрсаткичлари орқали аниқланади.

Ўзлаштирувчи талабаларни курсдан курсга ўтказиш факультет деканининг тақдимига биноан олий таълим муассасаси буйруғи орқали амалга оширилади. Шартли равишда ўтказишга йўл қўйилмайди.

Олий таълимнинг касбий таълим дастурларини тўла ўзлаштириш таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат идораси тасдиқлаган Низомга биноан битирувчиларни мажбурий якуний аттестатлаш билан тугалланади.

Талабалар амалиётлари барча турлари давлат ва нодавлал корхо-налар ва ташкилотларда улар билан олий таълим муассасалари ўртасида тузилган шартномаларга биноан, ўкув режалари ва «Ўзбекистон Респуб-ликаси олий таълим муассасалари талабаларининг малакавий амалиёти ҳақида намунавий Низом»га мувофиқ ўтказилади.

Олий таълимнинг касбий таълим дастурлари: кундузги, сиртқи, экстернат ва масофавий таълим олиш шаклларида ўзлаштирилиши мумкин.

Бир вақтнинг ўзида тўлов-контракт асосида ўзга шаклда иккинчи тур таълим олишга ҳам йўл қўйилади.

Фақат кундузги таълим олиш мумкин бўлган кадрлар тайёрлаш йўналишлари (ихтисосликлари)нинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси вазирлар Маҳкамаси томонидан жорий қилинади.

Экстернат-олий таълимнинг танланган йўналиши (ихтисослиги) бўйича касбий таълимга мувофиқ фанларни мустақил ўзлаштириш ва таълим муассасасида даврий аттестациядан (жорий ва якуний) ўтиш.

Масофавий таълим-олий таълимнинг касбий таълим дастурларини, асосий фаолиятдан ажралмаган ҳолда, таълим муассасасидан узоқда ўзлаштириш. У замонавий ахборот технологиялар ва телетармоқлар техникаси воситаларидан фойдаланишга асосланади.

Экстернат ва масофавий таълим ќақида Низом таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат идораси томонидан тасдиқланади.

Олий таълимнинг фан ва ишлаб чиқариш билан ўзаро боғланиши амалдаги қонунларга мувофиқ ўқув-илмий, ўқув-илмий-ишлаб чиқариш мажмуалари, бирлашмалари, ассоциациялари тузиш йўли билан ҳамда йирик олим ва мутахассисларни ўқув жараёни ва илмий тадқиқотларга жалб қилиш, илмий-тадқиқот институтлари, корхоналар ва ташкилотларда олий таълим муассасасининг

марказлари, лабораториялари, кафедралари ва бўлимларини ташкил этиш орқали амалга оширилади.

Олий таълим муассасалари талабалар, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ва мактабдан ташқари таълим муассасалари ўқувчилари сафидан олимпиадалар, конкурслар, тест синовлари ташкил қилиб, истеъдодли ёшларни танлаш ишларини амалга оширади. Уларни давлат таълим стандартларига зид бўлмаган шахсий ўқув режалари бўйича ўқитишни
ташкил этади, ёшларга ўз табиий қобилиятларини намоён қилиш ва ривожлантириш учун зарур бўлган шароитларни яратади.

Фуқаролар тўлов-контракт асосида иккинчи ва ундан кейинги олий таълим олишга ҳақли.

Олий таълим муассасаларида ёшларнинг ахлоқий-маънавий тар-бияси ва дуёқарашини шакллантириш, таълимнинг гуманистик мазмунда бўлиши бой миллий, маъданий-тарихий анъаналар урф-одатларга асосланганлиги, умуминсоний қадриятларнинг устуворлиги, Ўзбекис-тоннинг мустақиллик тамойилларига садоқатлиги руҳида тарбиялаш билан таъминланади.

## Олий таълим муассасалари талабалари

Олий таълим муассасаси талабаси ўқиш учун расмий тартибда рўйхатга олинган шахсдир. Талабага расмий нусхадаги талаба гувоҳно-маси ва рейтинг дафтарчаси топширилади.

Олий таълим муассасаси талабалари қуйидаги ҳуқуқга эга:

-фан,техника ва маданият ривожининг замонавий даражасига муно-сиб билимлар олиш;

-ўқув дастурига мувофиқ кўзда тутилган қўшимча курслар ва ўқиш турини танлаш;

-таълим муассасаси фаолиятининг муҳим масалаларини муҳокама ва ҳал қилишда қатнашиш, шу жумладан, жамоат ташкилотлари орқали ҳам;

-таълим муассасаси Низомида жорий қилинган тартибда кутубхона, ахборот фонди, ўқув, илмий тиббий ва бошқа бўлинмалар хизматла-ридан текин фойдаланиш;

-илмий-тадқиқот ишлари, анжуманлар, симпозиумларда

иштирок этиш;

-ўз илмий ишларини чоп қилдириш, шу жумладан, таълим муасссасалари нашрларига тақдим этиш;

- Олий таълим муассасаси маъмурияти қарорлари устидан шикоят қилиш;

-Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда ҳарбий мутахассислик бўйича билим олиш.

Талабаларни ўкув вақти ҳисобига ўқув жараёни билан боғлиқ бўлмаган бошқа ишларга жалб этиш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маққамаси қарорларида кўзда тутилган ҳолларда бошқа ҳолларда ман этилади.

Талабалар билим эгаллаши, кўрсатилган муддатда ўқув режалари ва таълим стандартлари кўзда тутилган топшириқларнинг ҳамма турларини бажариши, Низомга, таълим муассасаси ички тартиби ва жамоа ҳаёти қоидаларига риоя қилишлари шарт.

Давлат грантлари асосида кундузги шаклда ўқийдиган талабалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси жорий қилган тартиб ва миқдорда стипендиялар билан таъминланади.Талабалар тегишли қоидаларга мувофиқ номдор, ќамда уларни ўқишга йўллаган юридик ва жисмоний шахслар белгилаган стипендияларни олишга ҳақли.

Тўлов-контракт асосида таълим олаётган талабаларнинг моддцй таъминоти ўқитишнинг тўлов-контракт тизими ҳақидаги тегишли Низом асосида амалга оширилади.

Тиббий сабаблар ва айрим истисно ҳолларда талабага академик таътил берилади.

Узрли сабаблар бўйича ўқув дастури талабларини бажара олмаган талабаларга янги ўқув йили бошлангунга қадар академик қарзларни узиш имконияти берилади.

Кўрсатилган муддатлар ичида давлат таълим стандартларига биноан белгиланган касбий таълим дастурлари ҳажмини ўзлаштирмаганлар таълим муассасаси талабалар сафидан чиқарилади.

Талабаларни ўқишга қайтадан тиклаш ва талабалар сафидан чиқариш таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат идораси жорий қилган тартибга мувофиқ амалга оширилади.

Талабалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси жорий қилган тартибда бошқа таълим муассасасига ўтиш ҳуқуқига эга. Бир таълим муассасасидан бошқасига ўтишда олий таълимнинг шу поғонасида биринчи марта ўқиётгани каби барча ҳуқуқлари сақланиб қолади. Талаба-ларни аккредитатланмаган

таълим муассасасидан аккредитатлан-ганига ўтказишга йўл қўйилмайди.

Турар жойга муҳтож талабалар ётоқхонада санитария меъёрлари ва қоидаларига мувофиқ жой билан таъминланади.

Турар жойга муҳтож талабалар мавжудлигида ётоқхонанинг турар жойларидан бошқа мақсадларда (ижарага бериш ва бошқа битимлар) фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Кундузи ўқийдиган талабаларга ўқишдан бўш вақтларида меҳнат шартномаси асосида таълим муассасасини ўзида ёки ундан ташқари жойларда ишлашга рухсат берилади.

Талабаларнинг башқа ҳуқуқлари қонунлар ва (ёки) олий таълим муассасаси Устави томонидан жорий қилиниши мумкин.

Талаба ушбу Низом ёки таълим муассасаси ички тартиб қоидалари кўзда тутган мажбуриятларни бузганда унга нисбатан қуйидаги интизомий жазо чоралари қўлланилиши мумкин: танбеҳ, жиддий танбеҳ, таълим муассасаси талабалари сафидан чиқариш.

Интизомий жазо чоралари ножўя иш килингани аниқлангач, бир ойдан кечикмасдан ва у қилинганига олти ой ўтмасдан қўлланилади. Бунда талаба касал ва таътилда бўлган вақти ҳисобга олинмайди. Талабани касал, жорий таътил, ҳомиладорлик, бола тарбияси таътиллари пайтида талабалар сафидан чиқаришга йўл қўйилмайди.

Сиртдан ўқиётган талабаларга уларнинг иш жойларида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 248-257 бобларида кўрсатилган имтиёзлар берилади.

Кундузи ўқийдиган талабалар ўқув йили ичида камида икки марта, умумий муддати 7 ҳафтадан кам бўлмаган таътиллар жорий қилинади.

## Олий таълим муассасаси ходимлари

Олий таълим муассасаларида илмий-педагогик (профессор-ўқитувчилар, илмий ходимлар), инженер-техник, маъмурий-хўжалик, ишлаб чиқариш, ўқув-ёрдамчи ва бошқа ходимларнинг лавозимлари кўзда тутилади.

Профессор-ўқитувчилар таркибига кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ассистент лавозимлари киради.

Педагогик фаолият юритиш ҳуқуқига тегишли олий таълимга, касбий тайёргарликка ва юқори маънавий-ахлоқий сифатлари бор бўлган шахслар эгадир. Суд ҳукмига асосан маън этилган шахсларга таълим муассасаларида бундай фаолият билан шуғулланишга йўл қўйилмайди.

Олий таълим муассасаларидаги барча илмий-педагогик ходимлар лавозимларини эгаллаш меҳнат шартномаси (контракт) асосида амалга оширилади. Олий таълим муассасасига педагогик ходимларни ишга қабул қилиш тартибини тегишли Низом белгилайди. Илмий-педагогик ловазимни эгаллаш учун меҳнат шартномаси (контракт) тузилишидан олдин конкурс ўтказилади.

Факулътет деканларини олий таълим муассасаси раҳбари, таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат идораси билан келишилган ҳолда тайинлайди.

Таълим муассасаси илмий-педагогик ходимлари:

-расмий тартибда таълим муассасаси (факулътет) илмий кенгашига сайланиш ва унга сайлаш;

-олий таълим муассасаси фаолиятига тегишли масалаларни муҳокама
қилиш ва ҳал этишда қатнашиш;

-кутубхоналар, ахборот фондлари, ўқув ва илмий бўлинмалар ҳамда таълим муассасаси Низомида кўрсатилган ва (ёки) жамоат келишувига мувофиқ, ижтимоий

## Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида

Талабалар билимини рейтинг тизими орқали баҳолашдан мақсад, талабаларда ўқитилаётган фанларни чуқур эгаллаш, топшириқларга ижодий ёндашиш, мустақил фикрлаш, ўз билимини мунтазам равишда оширишга интилиш хамда адабиётлардан кенг фойдаланиш каби хусусиятларни ривожлантириш ва ушбу тариқа рақобатбардош мутахасисларни тайёрлашга эришиш.

Рейтинг тизими қуйидаги вазифаларни бажаришга қаратилган:

-талабалар ўзлаштиришини мунтазам равишда назорат этиб бориш, уларни семестр (ўқув йили) давомида ўз устиларида узлуксиз фаол ишлашларини таъминлаш;

-талабаларда мустақил ишлаш кўникмаларини кенг ривожлан-тириш;

-профессор-ўқитувчиларда маъруза ва амалий машғулотларга пухта тайёргарлик кўриш, баҳолаш саволларини тузишда масъулиятни ошириш.

Фан бњйича максимал рейтинг бали, ўқув режасида айнан шу фанга ажратилган соатлар миқдори билан белгиланади.

Талаба билимини баҳолашда, аввал уни ўзлаштириш кўрсаткичи аниқланади, сўнг дарс соатлари миқдорига мувофиқ унинг фан бўйича рейтинги ќисоблаб топширилади.

## Баҳолаш турлари ва шакллари

Талабанинг фан бўйича ўзлаштириши баҳолаш семестр (ўқув йили) давомида мунтазам равишда олиб борилади ва қуйидаги турлар орқали амалга оширилади.

-жорий баҳолаш (ЖБ)

-оралик баҳолаш (ОБ)

-якуний баҳолаш (ЯБ)

ЖБ да фанннинг ҳар бир мавзуси бўйича талабанинг билим даражасини (ўзлаштириш) аниқлаб бориш назарда тутилади ва у одатда, амалий машғулотлар (семинар ёки лаборатория ишлари) дарсларида амалга ошириши мумкин.

ОБ да фаннинг бир неча мавзуларини қамраб олган бўлим ёки қисм бўйича назарий машғулотлар ўтиб бўлгандан сўнг талабанинг назарий билимлари баҳоланади ва унга талабанинг муайян савол ёки муаммони ечиш маҳорати ва қобилияти аниқланади.

ЯБ да фаннинг семестр (ўқув йили) давомида ўтилган ҳажми доирасида талабанинг билими баҳоланади. ЯБ турига ажратилган баллар миқдори, ўқув режасида фанга семестр (ўқув йили) учун ажратилган соатнинг 30% миқдорида белгиланади.

Фан буйича ЖБ ва ОБ турларида талаба тўплаши мумкин бўлган рейтинг баллнинг миқдори, ўқув режасида фанга семестр (ўқув йили) учун ажратилган соатнинг 70% миқдорида белгиланади. Олий таълим муассасаларига ўз хусусиятларидан келиб чиқиб, ЖБ ва ОБ турларининг фоизларини белгилаш ҳуқуқи берилади.

ЯБ тури тушунчалари асосланган «Ёзма иш» усулида ёки бошқа усулларда (оғзаки, тест,ҳимоя ва ҳоказо) ҳам ўтказилиши мумкин.

Таянч тушунчаларга асосланган «Ёзма иш» усулини ўтказиш тартиби «Рейтинг тизимининг якуний баҳолаш босқичи «Ёзма иш» усулини тадбиқ этиш буйича Намунавий Низом» билан белгиланади.

Њқув режага мувофиқ ўқитилиши бир неча семестр (ўқув йили)га режалаштирилган фан бўйича талабанинг умумий рейтинг бали, ҳар бир семестр (ўқув йили) давомида шу фан бўйича талаба томонидан тўпланган рейтинг баллар йиғиндиси билан аниқланади.

Баҳолаш турлари ҳар бир фаннинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, дарс жараёнида сўров ўтказиш, тест саволларига жавоб бериш, контрол ишларини бажариш, коллоквиум, суҳбат ва шу каби бошқа шаклларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

Деканат ва кафедралар белгиланган тартибда фан бўйича талабанинг ОБ,ЖБ хамда ЯБ («ёзма иш» ёки бошқа усул)

турларида кўрсатилган ўзлаштириш кўрсаткичларини таҳлил қилиб боришлари ва уларнинг натижаларини белгиланган шаклдаги қайдномаларда қайд этишлари лозим. Бахолаш натижалари ўқув бўлимида оператив равишда ишловдан ўтказилади.

Рейтинг натижалари олий таълим муассасасининг Илмий Кенгашида мунтазам равишда муҳокама этиб борилади ва тегишли қарорлар қабул қилинади.

Олий таълим муассасаси фан бўйича баҳолаш турларининг ҳар бири бўйича рейтинг балларини ҳисоблаш критерияларини ишлаб чиқади (контрол ишлари, тест синовлари, саволлар тўплами ва ҳоказо) ва Услубий Кенгашда тасдиқлайди.

## Талаба билимини баҳолаш тартиби

Семестр давомида ўқитилган фан буйича максимал балнинг камида 55% ни тўплаган талаба қониқарли ўқиётган деб ҳисобланади. Семестр давомида ўқитилаётган фан бўйича максимал баллнинг 55% дан кам балл тўплаган талаба (академик қарздор) деб ҳисобланади.

Семестр давомида фанлар бўйича тўпланган баллар қуйидаги ўзлаштириш кўрсатгичлари билан баҳоланади:

-86-100 фоиз «аъло»

-71-85 фоиз «яхши»

-56-70 фоиз «ўрта»

-55 фоиздан кам «қониқарсиз»

Талабанинг барча турдаги амалиётлардан олган билим ва кўникмалари, курс иши ёки курс лойҳаси, битирув малакавий иш

(лойиҳаси), давлат аттестациялари натижалари ўзлаштириш кўрсаткичлари билан баҳоланади ва рейтинг дафтарчасида алоҳида қайд этилади.

Рейтинг балларини ҳисоблашда талабанинг ўқув машғулотлардаги фаоллиги, мустақил ишларни бажаришга ижодий ёндаша олиш, ўқув-меҳнат интизомига амал қилиш сифатлари ҳам ҳисобга олиниши (рейтинг балл доирасида 10% гача) мақсадга мувофиқ.

ЖБ,ОБ ва ЯБ турларида фанни ўзлаштира олмаган (55% дан кам балл тўплаган) ёки сабабли баҳолаш турларида иштирок эта олмаган талабаларга 1 ќафта муддат ичида қайта баҳолашдан ўтишга рухсат берилиши мумкин.

Фан бўйича белгиланган максимал рейтинг балларининг 55% дан кам балл тўплаган талаба, белгиланган тартибда ректорнинг буйруғи билан талабалар сафидан четлаштирилади (биринчи курс талабаларига нисбатан ўқув йили якунлари бўйича амалга ошириш мақсадга мувофиқ).

Талабани курсдан курсга ўтказишда ўқув режада муайян семестр (ўқув йили)га белгиланган фанлардан талаба тўплаган рейтинг баллар миқдори ҳисобга олинади ва ректорнинг буйруғи билан амалга оширилади.

## Рейтинг натижаларини қайд қилиш тартиби

Ҳар бир фан бўйича ўтказилган баҳолаш турларида талаба тўплаган рейтинг баллар миқдори, белгиланган тартибда тасдиқланган шаклдаги қайдномада қайд қилинади.

Семестр давомида фан бўйича ўтказилган баҳолаш турларида талаба тўплаган умумий балл, талабанинг «Рейтинг дафтарчаси»га ёзилади.

Талаба, фан бўйича ўтказилган баҳолаш турларида, фанга ажратилган максимал баллнинг 55% дан кам балл тўплаган ҳолда, унинг шу фан бўйича тўплаган рейтинг баллари «Рейтинг дафтарчаси»да қайд этилмайди.

Ҳар бир фан бўйича ўтказиладиган баҳолаш турларининг (ЖБ, ОБ ва ЯБ) натижалари деканат ва кафедралар томонидан рейтинг назорат экранида мунтазам равишда ёритиб борилади.

Рейтинг назорати экранини ташкил этиш ва уни белгиланган муддатларда расмийлаштириш вазифаси факулътет декани зиммасига юклатилади.

## Тўртинчи маъруза

## Мавзу: Самарқанд Давлат чет тиллар институти ҳақида

Самарқанд Давлат чет тиллар институти 1994 йил 8 ноябрда Республикамиз Президенти И.Каримов ташаббуси билан очилган.

Институт ректори, филология фанлар доктори, профессор Ш.С.Сафаров.

Проректорлар:

1. Маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректор-фалсафа фанлари доктори, профессор Р.Т.Шодиев.

2. Ўқув ишлари бўйича проректор-филология фанлари номзоди, доцент ҚН.Намозов.

3. Илмий ишлар бўйича проректор-педагогика фанлари номзоди, доцент М.М.Маќмудова.

4. Иқтисодиёт ва тадбиркорлик ишлари бўйича проректор З.Қўзиев.

Ҳозирги кунда институтда қуйидаги факультетлар мавжуд:

1. Инглиз филологияси (декан-доцент А.Р.Исмоилов)

2. Роман-герман филологияси (декан-доцент Б.Я.Примов)

3.Корейс ва мактабгача таълим (инглиз тили билан) факультети (декан-доцент Ќ.Қ.Бњриев)

4. Малака ошириш факультети (декан-доцент А.А.Яхшиев)

Қуйидаги кафедралар мавжуд:

1 Маънавият ва тарих кафедраси

2. Фалсафа ва иқтисод кафедраси

3. Умумий тилшунослик ва амалиёт кафедраси

4. Жаҳон адабиёти кафедраси

5. Информатика ва ўқув жараёнини автоматлаштириш кафедраси

6. Жисмоний тарбия кафедраси

7. Шарқ тиллари кафедраси

8. Умумий педагогика, психология ва мактабгача таълим кафедраси

9. Экология, тиббий ва ФМ кафедраси

10. Инглиз тили фонетикаси кафедраси

11. Инглиз тили лексикаси ва стилистикаси кафедраси

12. Инглиз тили тарихи ва грамматикаси кафедраси

13. Немис тили ва назарий фанлар кафедраси

14. Француз тили фонетикаси ва грамматикаси кафедраси

15. Француз тили назарий фанлар кафедраси

16. Таржима ва тиллар кафедраси

17. Немис тили фонетика ва амалий грмматикаси кафедраси

18. Корейс ва инглиз тиллар кафедраси

19. Факультетлараро чет тили кафедраси

20. Инглиз тили ўқитиш методикаси ва амалиёти кафедраси

Институтда қуйидаги марказлар ишлаб турибди:

1. Ўзбек тили маркази

2. Рус тили маркази

3. Турк тили маркази

4. Япон тили ва маданияти маркази

5. Итальян тили маданияти маркази

6. Шарқ тиллари ва маданияти маркази

7. Араб тили ва маданияти маркази

8. Француз тили ва маданияти маркази

9. Немис тили ва маданияти маркази

10. Америка тили ва маданияти маркази

11. Корейс тили ва маданияти маркази

12. Итальян тили ва маданияти маркази

Институтда илмий кутубхона мавжуд. Кутубхонада 10700 та китоб бўлиб, улар талабаларнинг фойдаланишлари учун хизмат қилади.

Институтда ҳаммаси бўлиб 225 та ўқитувчи фаолият кўрсатади. Шулардан 10 та фан доктори, 58 та доцент ва 202 та ўқитувчилар ёш авлодга таълим тарбия бериш билан машғул.

Институтда 2343 та талаба таҳсил олади.

Институт ҳаётидаги энг йирик ўқув ва маъмурий бўлим деканат бўлиб ҳисобланади.

Факультет ишига раҳбарликни факультет декани амалга оширади.

Факультет декани, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишган ҳолда, олий ўқув юртлари ректори томонидан профессор

ёки тажрибали доцентлар сафидан тайинланади.

Декан факультетда ўқув-тарбия ишларини, кафедралар фаолиятини уюштиради ва раҳбарлик қилади. Стипендиялар, илмий сафарлар, талабаларнинг имтиҳонга киритиш, курсдан-курсга кўчириш, сессияларни ўтказиш, Давлат имтиҳонларини уюштириш ва бошқа ишларни амалга оширади.

Кафедра, олий ўқув юртлари (факультет) тузилишидаги, бир ёки бир неча турдош фанлар бўйича ўқув, услубий ва илмий-услубий ишларни амалга оширувчи, талабалар орасида маънавий-маърифий ишларни олиб борувчи, шунингдек, илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрловчи ҳамда уларнинг малакасини оширувчи асосий тармоқ ҳисобланади.

Кафедра зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилади:

-барча ўқув шакллари (ишлаб чиқаришдан ажралган ва ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолларда) бўйича олий таълимнинг давлат таълим стандартларига мувофиқ тузилган ўқув режаларида белгиланган маърузалар, лаборатория ишлари, амалий ва бошқа турдаги машғулотларни юксак назарий, илмий-услубий ва касбий даражада ўтказиш; талабаларнинг малакавий амалиётига, курс лойиҳаларига (ишларига), битирув малакавий ишларига, магистрлик диссертацияларига, шунингдек, мустақил ишларга раҳбарлик қилиш, талабалар билимининг рейтинг назоратини жорий этиш; талабаларнинг аудиториялардан ташқари ишларини ташкил этиш бўйича тадбирлар ўтказиш;

- ривожланган демократик давлатлар даражасидаги юксак

маънавият ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрларни тайёрлаш;

- кафедра фанлари бўйича ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиққа тақдим этиш, шунингдек, турдош кафедралар томонидан тайёрланган ўқув дастурларига тақриз ва хулосалар тайёрлаш;

- дарслик ўқув, услубий ва кўргазмали қўлланмаларни тайёрлаш, шунингдек, олий ўқув юрти ректоратининг топшириғига биноан қайта нашр этиладиган дарслик ўқув қўлланма ва ўқув-услубий адабиётлар, жумладан, хорижий олимлар билан ҳам муаллифликда яратилганларга хулосалар тузиш, нодавлат таълим муассасаларининг буюрмалари бўйича зарурий ўқув-услубий адабиётларни тайёрлашда иштирок этиш;

- иқтидорли талабалар билан ишлаш; талабаларнинг, илмий-тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиш.

Олий ўқув юртини битирганлар ва мазкур кафедрада аспирантурани ўтаганлар билан мунтазам алоқани ташкил этиш.

## Талабаларнинг ќуқуқлари ва бурчлари

Олий таълим муассасалари талабалари қуйидаги ќуқуқларга эга;

Фан, техника ва маданият ривожининг замонавий даражасига доир билимлар олиш;

Њқув дастурига мувофиқ књзда тутилган қњшимча курслар ва њқиш турини танлаш;

Таълим муассасаси фаолиятининг муќим масалаларини муќока-

ма ва ќал қилишда қатнашиш (шу жумладан, жамоат ташкилотлари орқали ќам).

Таълим муассасаси Низомида жорий қилинган тартибда кутубхона, ахборот фонди, њқув, илмий, тиббий ва бошқа бњлинмалар хизматидан текин фойдаланиш;

Илмий-тадқиқот ишлари, анжуманлар, симпозиумларда иштирок этиш;

Њз илмий ишларини чоп қилдириш, шу жумладан таълим муассасалари нашрига тақдим этиш;

Олий таълим муассасаси маъмурияти қарорлари устидан шикоят қилиш;

Њзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда ќарбий мутахассислик бњйича таълим олиш;

Турар жойга муќтож талабалар ётоқхонада санитария меъёрлари ва қоидаларига мувофиқ жой билан таъминланади.

Кундузги њқийдиган талабаларга њқишдан бњш вақтларида меќнат шартномаси асосида таълим муассасасини њзида ёки ундан ташқари жойларда ишлашга рухсат берилади.

Талаба шу Низом ёки таълим муассасаси ички тартиб қоидалари књзда тутган мажбуриятларни бузганда унга нисбатан қуйидаги интизомий жазо чоралар қњлланилиши мумкин: танбеќ, жиддий танбеќ, таълим муассасаси талабалари сафидан чиқариш.

## Бешинчи маъруза

## Мавзу: Талабаларнинг илмий-тадқиқот ишларда иштирок этиши.

Иқтидорли талабалар махсус психологик, педагогик тест ўтказиш орқали аниқланади. Улар мақсадга интилиш, қатъийлик ва меҳнатсеварлик каби фазилатлари ҳамда ижодий фаолият билан шуғулланиш истаги билан ажралиб турадилар.

Иқтидорли талабаларни излаш, аниқлаш ва мақсадли тайёрлашнинг асосий мақсади-республиканинг илмий ва ижодий салоҳиятини ривожлантирувчи интеллектуал элитани тайёрлаш ва бу борада юксак истеьдод соҳибларига, билимнинг тегишли соҳалари ва фаннинг аниқ йўналишлари ўз табиий қобилиятларини намоён этиш ва ривожлантириш, ўзларидаги ноёб истеъдодни рўёбга чиқариш учун имкониятлар яратишдир.

иқтидорли талабаларни мақсадли тайёрлаш вазифалари:

- иқтидорли талабаларнинг интеллектуал салоҳияти чуқур билим олишга ва қобилиятларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш;

- малакали прфессор-ўқитувчиларни иқтидорли талабалар билан индивидуал ишлашга жалб этиш;

- илм-фан тараққиётининг устивор йўналишлари бўйича илмий тадқиқот ишларига иқтидорли талабаларни кенг жалб этиш;

- иқтидорли талабалар бўйича республика банки ва маниторингини шакллантириш;

- махсус ўқув дастурлари ва прогрессив педагогик технологияларни ишлаб чиқиш;

- буюртмачилар талабларини қондирувчи малакали, ҳар томонлама камол топган кадрларни тайёрлаш;

Иқтидорли талабалар билан ишлашнинг шакл ва усуллари:

- ўқитишни индивидуаллаштириш;

- талабаларнинг интеллектуал салоҳияти ва қобилият имкониятларини билим олишга йўналтириш;

-талабалар қобилиятини ривожлантириш учун максимал шарт-шароитлар яратиш.

Олий ўқув юртларида “Иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлими”ни ташкил этиш ва унинг раҳбарини илмий даража ва унвонга эга бўлган психолог ёки педагог сафидан тайинлаш.

Психологик ва педагогик тестлар асосида иқтидорли талабаларни аниқлаш уларнинг рўйхатини тузиш ҳамда илмий раҳбар ва маслаҳатчиларни белгилаш;

Иқтидорли талабалар билан ишлашни сифатли ташкил этиш мақсадида университет (институт), факультет ва кафедраларда қуйидаги иш қоғозларини юритиш тавсия этилади:

- иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлими Низоми;
- иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлимининг иш режаси;
- йиллик ҳисоботлар;
- иқтидорли талабаларга оид ректорнинг буйруқлари;
- факультет, кафедралар бўйича иқтидорли талабалар рўйхати;
- мураббийларнинг иқтидорли талабалар бўйича берган тавсиялари ва унга илова қилган ҳужжатлар ва фотосуратлар;

- конференция, олимпиада, танлов, викторина ўтказилишига оид ҳужжатлар;

- иқтидорли талабалар излаш ва уларни мақсадли тайёрлашга тегишли Ўзбекитон Республикаси Президенти Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруқлари ва Ҳайьат қарорлари;

- хат аризаларни қайд этиш котиби;

Мақсадли тайёрлашнинг ўқув-ижодий ва тарбиявий дастури иқтидорли талаба томонидан танланади ва унинг бажарилиши бўйича назорат муддатлари кўрсатилган шахсий ўқув режа ва илмий-ижодий ишлар режаси тузилади ҳамда факультет Илмий Кенгаши тавсиясига биноан олий ўқув юртининг фармойиши билан тасдиқланади.

Илмий раҳбар иқтидорли талаба ва чуқурлаштирилган ҳолда ўрганилиши назарда тутилган фан ўқитувчилар билан ҳамкорликда қўшимча ишчи дастур ва тематик-календарь режасини тузиш.

Юқори кўрсатгичларга эришган иқтидорли талабаларга ИТБИБ тавсиясига биноан, айрим фанлар бўйича дарсларга (ўқитувчининг розилиги билан) эркин қатнашиш ҳуқуқи берилиш мумкин.

Ҳар ўқув йилининг якунида иқтидорли талабанинг қобилияти, ўқув-илмий ва сифатларининг рейтинги аниқланади ҳамда унинг шахсий делосига тикилади.

## Олтинчи маъруза

## Мавзу: Бњлажак тарбиячи ва њқитувчиларни тайёрлаш тизимида малакавий амалиётнинг роли

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муассасалари талабаларининг малакавий амалиёти ҳақидаги низом Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1998 йил 30 октябрдаги 305-сонли буйруғи билан тасдиқланган.

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисидаги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларига мос равишда ишлаб чиқилган. Унда олий таълим муассасалари талабаларининг малакавий амалиётини ўтказиш шакллари, тартиби ва услублари белгиланган.

Бакалавриат йўналишлари ва магистратура ихтисосликлари бўйича мутахассислар тайёрлашнинг муҳим қисми бўлган талабалар амалиёти – илғор корхона, муассасалар ва ташкилотларда ўтказилади.

Ҳар бир амалиётнинг мақсади, муддати ва мазмуни ДТС, ўқув режалари ва амалиёт дастурларида белгиланган.

Амалиёт дастурлари танланган йўналиш (ихтисослик) нинг малакавий талаблари, корхона, муассаса, ташкилотларнинг (бундан буён – амалиёт объектлари) тавсифи ҳисобга олинган ҳолда тегишли ўқув муассасалари томонидан ишлаб чиқилади ва уларни олий ўқув юртлари ректорлари тасдиқлайди.

Талабалар амалиёти олий таълим муассасаларининг давлат ва акциядорлик корхоналари, муассаса, ташкилот, фирма, қўшма

корхоналар ва бошқалар билан тузган шартномалари асосида ташкил қилинади.

Юридик шахслар билан тузилган контракт асосида ўқийдиган талабалар амалиёт ўтиш учун тегишли амалиёт объектларига юбориладилар.

Амалиётни ташкил қилиш ва ўтказиш учун жавобгарлик олий ўқув юртининг ректори зиммасига юкланади.

Амалиёт жойлари, талабаларнинг катта гуруҳлари ўтишини ҳисобга олиб, олий таълим муассасаси яқинида жойлашган амалиёт объектларидан танланади.

Мазкур таянч жойда талабалар амалиёт ўтадиган  корхона йўқ бўлса, амалиёт объектлари сифатида олий таълим муассасасига яқин жойлашган корхоналардан фойдаланилади.

Икки томонлама битимлар асосида амалиётни хорижий давлатлар корхоналари, муассасалари ва ташкилотларида ўтиш мумкин.

Олий ўқув юрти тайинлаган амалиёт раҳбари:

- талабалар келишига зарурий тайёргарлик ташкил этиш учун объектларга амалиёт бошланишидан олдин боради;
- талабаларнинг амалиётга боришидан олдин ташкилий тадбирлар (амалиёт ўтказиш тартиблари, хавфсизлик техникаси ќақида кўрсатмалар бериш ва ҳ.к.) ни ўтказишни таъминлайди;
- талабаларнинг кафедра топшириқларида кўзда тутилган илмий-тадқиқот ишларига раҳбарлик қилади;
- талабаларнинг ички меҳнат тартиб-қоидаларига риоя қилишларини назорат қилади;

- амалиёт якунлари бўйича талабалар илмий анжуманлари тайёрланишида ва амалиёт натижаларини баҳоловчи комиссия ишида иштирок этади;

- талабаларнинг амалиёт бўйича ҳисоботини кўриб чиқади, уларнинг иши ҳақида тавсиянома беради. Талабалар амалиёт ўтганлиги, уларнинг амалий тайёргарлигидаги камчиликлар кўрсатилган амалиётни такомиллаштириш ҳақида таклифлар киритилган ёзма ҳисоботни кафедра мудирига тақдим этади;

- барча ишларни амалиёт объекти томонидан бириктирилган раҳбар билан биргаликда ўтказади.

Талабалар амалиётининг умумий раҳбарлиги амалиёт объекти раҳбарининг буйруғи билан маъсул ходимларнинг бирига юклатилади.

Шартнома мажбуриятларига мувофиқ амалиёт объектлари:

- талабалар амалиётини амалиёт дастури ва мазкур Низомга мувофиқ ташкил қилади ва ўтказади;

- дастурга мувофиқ талабалар амалиёт ўтказишининг самарадорлигини таъминловчи иш жойлари билан таъминлайди;

- амалиётни њтишда олий таълим муассасаси билан келишилган ой-кунлик иш жадвалига амал килади;

- талабаларга мавжуд адабиётлар, техник ва бошка хужжатлардан фойдаланиш имкониятларини беради.

- курс иши ва малакавий битирув ишлари учун мавзулар танлашда ёрдам књрсатади;

- амалиётчи талабаларнинг мазкур амалиёт объектида жорий килинган ички мехнат тартиб-коидаларига риоя килишларини таъминлайди ва назорат килади;

- амалиёт њтаётган талабалар бахтсиз ќодисага учраган ќолда тњла жавобгарликни олади.

**Талаба амалиёт њтишда:**

- амалиёт дастурида кузга тутилган топширикларни тњлиқ бажариши,;
- кундалик дафтар юритиши.
- амалиёт раќбарига барча топшириқлар бажарилгани ќақида ёзма равишда ќисобот бериши ва амалиёт бњйича синов топшириши шарт.

**Амалиёт натижаларини якунлаш**

Амалиёт якунида талаба ёзма равишда ќисобот тайёрлайди ва уни бевосита амалиёт объектидан тайинланган раќбар имзолаган кундалик дафтар билан олий таълим муассасасидан тайинланган раќбарга топширади. Ќисобот талабанинг амалиёт даврида бажарган муайян ишлари тњғрисидаги маълумотлар улар фаолиятининг ташкил қилиниши, ќаёт фаолиятининг хавфсизлиги тњғрисидаги масалалар, амалиёт натижалари бњйича хулоса ва таклифларни њз ичига олиши лозим.

Амалиёт якунида талаба њз ќисоботини олий таълим муассасаси томонидан тайинланган камиссия олдида ќимоя қилади.

Камиссия таркибига ўтилаётган амалиёт фанини олиб борувчи ўқитувчи, олий таълим муассасаси томонидан бриктирилган раҳбар ва имкони бўлса, амалиёт объектидан тайинланган раҳбар ҳам киритилади.

Амалиёт натижаси баҳоси талабанинг курсдан курсга ўтиши ва стипендия белгилашда ҳисобга олинади.

Амалиёт якуни олий таълим муассасасининг илмий – услубий анжумани ва амалиёт объектининг ишлаб чиқариш кенгашида муҳокама қилинади.

Олий таълим муассасаси ва факультет илмий кенгашида амалиётнинг натижаларига якун ясалади.

Амалиёт дастурини бажармаган, иши ҳақида қониқарсиз тақриз ёки ҳисобот ҳимоясида қониқарсиз баҳо олган талаба таътил вақтида ўз ҳисоботидан қайта амалиёт ўтишига жўнатилади.

Айрим ҳолларда, бундай талабанинг келгусида олий таълим муассасасида ўқиши мумкинлиги масаласи ректор томонидан кўриб чиқилади.

## Еттинчи маъруза

## Мавзу: Педагогика олий ўқув юрти студентларининг мустақил ишлари.

Олий мактабда ўқишнинг муваффақияти талаба мустақил ишлай олишига боғлиқ.

Мустақил ишлаш малакасини ҳосил қилиш-ғоят мураккаб масала. Ўрта мактаб бунга ўргатмайди, буни олий мактабда ўқиш йиллари мобайнида ўзингиз эгаллашингиз керак.

Талабаларнинг мустақил ишлари олий мактабдаги таълим жараёни билан боғлиқ бўлиб, унинг қуйидаги турлари бажарилади:

1. Маъруза материали устида мустақил ишлаш.
2. Амалий машғулотлар, семинар ва лабаратория ишларига тайёргалик.
3. Коллоквиумларга (ўқитиш жараёнида кенг қўлланиладиган дарс формаларидан бири бўлиб, фаннинг бир бўлими ўтиб бњлингач, шу бўлимни талабалар қандай ўзлаштирганликлари синаб кўрилади) тайёрлаш.
4. Курс ишлари (олий ўқув юртларида охирги курс талабаларда илмий-датқиқот ишлари олиб бориш малакасини ҳосил қилиш).

Курс ишлари ёзишда ўқитувчи раҳбарлигида мавзу танланиб олинади, мавзуга доир режа тузилади, режага асосан курс иши ёзилиб, тақриз қилинади ва ўқитувчига топширилади. Курс ишини бажариш жараёнида ўқитувчи-раҳбардан мунтазам равишда маслаҳатлар олиб турилади. Унинг ҳажми ижтимоий фанлар бўйича 15-20 бет, табиий фанлар бўйича 8-10, саҳифа бўлиши мақсадга мувофикдир.

5. Синов ва имтиҳонларга тайёрланиш.

6. Реферат ва назорат ишлари ёзиш.

7. Амалиёт билан боғлиқ топшириқларни бажариш.

8. Махсус семинарларга тайёрланиш.

9. Битирув малакавий ишлари ёзиш.

Битирув малакавий иши ҳамма талабаларга берилади. Битирув малакавий иши ўқитувчи раҳбарлигида ёзилади. Тил бўйича ёзиладиган диплом ишлари 30-50 бет, адабиёт, тарих ҳуқуқшуносликдан 50-70 бет, ижтимоий фанлардан 60-80 бет, табиий фанлардан 15-25 бет бўлса етарли. Студент мустақил ишининг муваффақияти вақтдан фойдаланишни билишига ҳам боғлиқ.

Инглиз физиги Михаил Фарадейк: «Қани энди менда озгина бўлса ҳам бњш вакт бўлса! Менга вақтдан бошқа ҳеч нарса керак эмас. Агар ўз вақтларини ҳеч бир маъносиз бекор ўтказадиган одамларнинг бўш соатлари ва кунларини сотиб олиш мумкин бўлса, мен ўзимни жуда бахтиёр деб билардим. Бу менга ҳам,

уларнинг ўзларига ҳам фойдали бўларди».

Олий ўқув юртларида билим олаётган студент институтда ўқув йиллари давомида лабараториялар, ўқув кабинетлари, ўқув заллари, кутубхоналар, ҳисоблаш марказлари, спорт базалари каби иншоотлар ва, бошқа хил барча ўқув тарбия ишларини олиб боришга хизмат қиладиган ашё ва қуроллардан текин фойдаланиш; олий ўқув юрти ва талабаларининг илмий жамиятлари томонидан уюштириладиган илмий-тадқиқот ишлари ва илмий, тўгараклар ишида иштирок этиш, институтнинг жамоат ташкилотлари томонидан ўқув юртидаги ўқитиш жараёни, ғоявий-сиёсий, тарбиявий ишларини ўзлаштириш масалалари, талабалар орасидаги меҳнат ва ўқиш интизомининг аҳволи, стипендиялар, ётоқхоналар тақсимоти ва бошқа масалалар муҳокамасида қатнашиш ҳукукига эга.

Педагогик олий ўқув юртларида фанлардан ўтказиладиган маърузалар, семинарлар, амалий ва лобаратория ишлари талабалар учун мажбурий машғулот тури ҳисобланади. Маърузалар кириш, тематик ва обзор каби уч типга бўлинади. Ҳар бир фандан ўқиладиган назарий курслар <u>кириш</u> <u>маърузасидан</u> бошланади.

<u>Тематика</u> <u>маъруза</u> эса шу курсга ажратилган вақт ичида ўқитиладилган барча <u>маърузалардир.</u>

<u>Амалий</u> <u>ва</u> <u>лобаратория</u> <u>ишлари</u> - олий мактабда эгалланадиган билимни амалий мустаҳкамлаш, малака ва

кўникмалар ҳосил қилишга хизмат қилади.

Педагогик амалиёт -юқори малакали ўқитувчилар тайёрлашда муҳим ўрин эгаллайди ва ўқиш йиллари давомида бир неча марта ўтказилади ва тобора мураккаблашиб боради.

## Саккизинчи маъруза

## СамДЧТИ ахборот-ресурс маркази тўғрисида намунавий

# НИЗОМ

## 1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

**1.1.** Ахборот-ресурс маркази (кейинги ўринларда АРМ деб аталади) таълим муассасаси ҳузурида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июнь “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида”ги № 381-сонли қарори асосида ташкил этилган.

**1.2.** АРМ таълим муассасаси раҳбариятига бўйсунади.

**1.3.** АРМ таълим муассасаси томонидан унинг таркибий бўлинмаси сифатида маблағ билан таъминланади.

**1.4.** АРМ ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Қонунларига, таълим бошқарув органларининг қарорлари, буйруқлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига, таълим муассасаси уставига, раҳбариятнинг буйруқлари ва фармойишларига, ички тартиб қоидаларига ҳамда ушбу Низомга амал қилади.

**1.5.** АРМ ўз фаолиятида аҳволи барча қатламларини ахборот-ресурслари ва кутубхона фондидан эркин фойдаланиш ҳуқуқини таъминлайди.

**1.6.** Ахборот-ресурслари ва кутубхона фондидан фойдаланиш тартиби, асосий хизматлар рўйхати, хизмат кўрсатиш шартлари, фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги АРМдан фойдаланиш қоидаларида белгиланади.

**1.7.** АРМга умумий раҳбарлик қилиш Халқ таълими вазирлиги томонидан амалга оширилади.

**1.8.** Барча идораларнинг АРМлари ишларига умумий ташкилий-методик раҳбарликни, уларнинг ишларини мувофиқлаштиришни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика ахборот-кутубхона тизими фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш идоравий ва ҳудудий методик марказлар тизими орқали;

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси-барча идоралар учун республика методик маркази, Идоралараро кенгашнинг ишчи органи орқали;

Республика илмий-педагогика кутубхонаси - халқ таълими тизимидаги таълим муассасалари АРМларининг методик маркази орқали амалга оширади.

## 2. АСОСИЙ ВАЗИФАЛАР

2.1.Ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда фойдаланувчиларнинг мунтазам ва мустақил равишда таълим олишга кўмаклашади.

2.2. Миллий маънавий-ахлоқий қадриятларни кенг тарғиб қилиш ва халқнинг маданий-тарихий меросидан баҳраманд бўлишни

таъминлаш, замонавий бой ва уйғун камол топган шахснинг ижодий ўсиши учун имкониятлар яратади.

2.3. Ахборотларга бўлган талабаларга мувофиқ АРМ маълумотлар қидириш аппарати тизими орқали ҳар қандай фондлардан кенг фойдаланган ҳолда янги ахборот технологиялари (маълумотларнинг электрон базалари, интернет ресурслари) асосида аҳолига зарур даражада ахборот хизмати кўрсатади.

2.4. Кутубхона ахборот маданиятини тарбиялаш, фойдаланувчиларни ахборотлар қидиришнинг замонавий методларига ўргатади.

2.5. Кутубхона-ахборот жараёнларини, замонавий технологияларни ва компьютерлаштиришни жорий этиш асосида такомиллаштиради.

2.6. Таълим муассасаси соҳасига ва фойдаланувчиларнинг ахборотларга бўлган эҳтиёжларига мувофиқ ахборот-кутубхона фондини шакллантириш. Маълумотлар қидириш аппаратини, маълумотлар базала-рини, катологлар ва картотекаларни ташкил этиш ва юритиш.

2.7. Маданий, таълим, ахборот ва дастурлар, лойиҳалар, акцияларни биргаликда амалга ошириш учун шунингдек, фойдаланувчиларнинг ҳужжатларга ва ахборотларга эҳтиёжини янада тўлиқ қондириш учун АРМлар, ахборот-кутубхона марказларини (АРМлар), кутубхоналар, таълим муассасалари, ўзини ўзи бошқариш органлари, ижтимоий таъминот хизматлари, миллий-маданий марказлар билан ҳамкорликни мувофиқлаштириш ва коопера-циялаштиришни ривожлантиради.

2.8. Кутубхона хизматлари рўйхатини кенгайтриш, АРМни техник жиҳозлаш, кутубхона-ахборот жараёнларни компьютерлаштриш асосида хизматлар сифатини оширади.

## 3. АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

3.1. Ўқув залларида, абонементларда ҳамда китобхон билети бўйича якка тартибда ва гуруҳлар бўйича хизмат кўрсатиш методларини қўллаган ҳолда фойдаланувчиларга табақалаштирилган хизмат кўрсатади

3.2. Таълим муассасаларида, ўқув марказларида, лабораторияларда шакллантирилган электрон ахборот ресурсларини тўплаш, тизимлаш, катологлаштиришни амалга оширади. Электрон каталогларни шакллантириш ва узатишнинг халқаро форматлари (MARS форматлари) талабларига қатъий мувоффиқ ҳҳолда олиб борилади. АРМ фойдаланувчиларнинг ахборотларга бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида маълумотларнинг мавзу йўналишлари бўйича манбалар яратиш йўли билан умумтаълим муассасаларининг ахборот-ресурсларини шакллантиради.

**3.3.** Фойдаланувчиларни асосий кутубхона-ахборот хизматлари билан бепул таъминлайди:

каталоглар, катотекалар тизими ва кутубхона ахборотлари беришнинг бошқа шакллари орқали кутубхона фонди таркиби тўғрисида тўлиқ ахборот беради;

– матбаа асарлари ва бошқа ҳужжатларни қидириш ва танлашда маслаҳат ёрдами кўрсатади;

– кутубхона фондларидан ҳужжатларни вақтинча фойдаланиш учун беради;

–бошқа АРМ, АКМ ва кутубхоналардан кутубхоналара-роабонемент бўйича ҳужжатлар олади;

– таълим муассасасининг илмий ва ўқув ишларига ёрдам сифатида библиографик кўрсаткичлар, адабиётлар рўйхатини тузади; мавзуий, манзилли ва бошқа библиографик маълумотлар беради; китобларнинг библиографик шарҳларини ўтказади; – китоб кўргазмалари ташкил қилади;

– фойдаланувчилар, раҳбарият ўқитувчилар таркиби, илмий ходимлар ва ўқувчиларнинг ахборотларга бўлган эҳтиёжини аниқлайди, ўрганади ва мунтазам равишда мувофиқлаштириб боради.

**3.4.** Фойдаланувчиларга АРМдан фойдаланиш қоидаларига белгиланган тартибда пулли хизмат кўрсатади. Кичик ва ўрта бизнес корхоналарига, уюшмалар ва бошқа ташкилотларга шартнома асосида кутубхона-ахборот хизмат кўрсатишна ташкил қилади. Китобхонларга кутубхоналараро абонемент бўйича, шу жумладан, электрон почта (интернет)дан фойдаланган ҳолда хизмат кўрсатади.

**3.5.** Ахборотларни қидириб топиш, уларни мустақил таълим олишда, ўқув жараёнида ва илмий ишларда қўллаш, кутубхонанинг маълумотнома-библиографик аппаратига, ахборот тизимларига ва маълумотлар базаларига таяниш кўникмаларини шакллантиради.

**3.6.** Фойдаланувчилар учун информатика, кутубхонашунослик ва библиография асослари бўйича машғулотлар ташкил этади.

**3.7.** Минтақа бошқа АРМ, АКМ ва кутубхоналари билан мувофиқлаштирган ҳолда аҳолининг китобларга бўлган талаблари,

шунингдек, таълим-касб-ҳунар дастурлари, ўқув режалари ҳамда илмий-тадқиқотлар мавзуларига мувофиқ фрндни жамлашни таъминлайди. Ўқув, илмий, даврий, маълумотнома, бадиий адабиётлар ва бошқа турдаги нашрларни сотиб олади.

**3.8.** Фондларни комплектлаш манбаларини раҳбарият билан келишилган ҳолда белгилайди. Халқ таълими вазирлиги билан келишилган ҳолда АРМ, АКМ, кутубхоналар ҳамда республикадаги бошқа муассаса ва ташкилотлар билан китоблар айрибошлашни, шунингдек, заруриятга кўра хорижий мамлакатларнинг кутубхо-налари ва ташкилотлари билан халқаро китоблар айрибошлашни амалга оширади.

**3.9.** Таълим муассасалари учун адабиётлар чиқаришни режалаштириш ҳамда фойдаланувчиларнинг ва фондлар таркибининг ахборотларга бўлган эҳтиёжларига мувофиқлаштириш мақсадида китобхонлар талаби даражасини ўрганади. Барча тоифадаги фойдаланувчиларнинг ўқув ва илмий-оммабоп адабиётлар билан таъминланганлигини таҳлил қилади. Илғор ахборот-кутубхона технологиясини, тадқиқот ишлари натажаларини жорий этади. Китобхонлар қизиқишларини таҳлил қилади.

**3.10.** Фондларни ҳисобга олиш ва жойлаштиришни амалга оширади, уларнинг сақланишини ва сақлаш тартибини, ҳужжатлар нусхасини олишни ва микрофильмга кўчиришни таъминлайди.

**3.11.** Ҳужжатларни амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат-ларга мувофиқ кутубхона фондидан чиқаради. Раҳбарият билан келишилган ҳолда соҳага оид бўлмаган ва ортиқча, ўхшаш

адабиётларни қайта тақсимлашни амалга оширади ва белгиланган тартибда аҳолига китоб савдосини ташкил қилади.

**3.12.** Фондларнинг анъанавий, электрон каталоглар ва картотекалар тизимини юритади.

**3.13.** Китобхонларга автоматлаштирилган тартибда тезкорлик билан турли хизматлар кўрсатиш имконини берадиган республика йиғма каталогларни, шу жумладан электрон катологларни тузишда қатнашади.

**3.14.** Бошқа АРМлар, илмий жамиятлар, таълим муассасалари, жамоат ташкилотлари, республика АРМлари билан ижодий ва ахборот алоқаларини ривожлантиради.

**3.15.** Китобхонлар, архивлар, маълумотларнинг ахборот базаларига эга бўлган бошқа корхоналар, муассасалар, ташкилотлар билан амалдаги қонун ҳужжатларига, давлат дастурларига шунингдек, муассасалар ва ташкилотлар ўртасида тузилган шартномаларга мувоффиқ ўзаро ҳамкорлик қилади.

## 4. АРМЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

**4.1.** Низомда кўрсатилган мақсадлар ва вазифаларга мувофиқ ўз фаолиятининг мундарижаси ва аниқ шаклларини мустақил равишда белгилайди;

АРМ тузилмасини штат рўйхатини ва ундан фойдаланиш қоидаларини ишлаб чиқади ҳамда уларни таълим муассасаси раҳбариятига тасдиқлаш учун тақдим этади;

– марказга берилган маблағларни тасарруф этади;

– ягона тариф-сеткаси асосида, меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида лавозим маошларини;

– лавозим маошларига устама ва қўшимча тўловларни;

– ходимларни мукофотлаш тартиби ва миқдорларини белгилайди;

– фойдаланувчиларга ноёб ва қимматли нашрларни беришда, шунингдек, АРМдан фойдаланиш қоидаларида белгиланган бошқа ҳолларда гаровни (тегишли ҳужжат) белгилайди;

– АРМдан фойдаланиш қоидаларига мувофиқ, фойдаланувчилар томонидан АРМга етказилган зарарни ундириш турлари ва миқдорларини белгилайди;

– юридик ва жисмоний шахслар билан шартномалар асосида АРМнинг кутубхона фондидан фойдаланиш шартларини белгилайди;

– таълим муассасасининг таълим дастурлари, ўқув режалари, илмий-тадқиқот ишлари мавзуси билан танишади. Унинг таркибий бўлинмаларидан АРМ олдига қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни олади;

– турли муассасаларда, ташкилотларда таълим муассасаси номидан вакиллик қилади, кутубхона ва ахборот-библиографик фаолият масалалари бўйича илмий конференциялар, йиғилишлар ва семенарлар ишида бевосита қатнашади;

– бошқа АРМлар, кутубхоналар ташкилотлар билан белгиланган тартибда ёзишмалар олиб боради;

– амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ахборот-кутубхона бирлашмаларига киради;

– ахборот-кутубхона ишини ривожлантиришнинг давлат ва минтақавий дастурларини амалга оширишда танлов ёки бошқа асосида қатнашади;

– Хорижий давлатларнинг АРМлари, кутубхоналари ҳамда бошқа муассаса ва ташкилотлари билан белгиланган тартибда ҳамкорликни амалга ошириш, шу жумладан, заруриятга кўра, халқаро китоблар айрибошлашни юритиш, белгиланган тартибда халқаро ташкилотларга аъзо бўлиб кириш, халқаро кутубхоначилик ва бошқа дастурларни амалга оширишда қатнашади.

**4.2.** АРМ фондларининг талаб даражасида сақланиши учун жавоб беради.

**4.3.** Таълим муассасаси АРМга тааллуқли функцияларнинг бажарилмагани учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради;

**4.4.** Кутубхона-ахборот фондларига зарар етказилишида айбдор бўлган АРМ ходимлари амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда жавоб берадилар;

**4.5.** АРМ ходимларининг меҳнат муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ тартибга сақланади.

## 5. БОШҚАРУВ ТУЗИЛМАСИ ВА ШТАТЛАРИ

### Моддий-техника таъминоти

**5.1.** АРМга раҳбарлик директор (мудир) томонидан амалга оширилади, у таълим муассасаси томонидан, олий касбий маълумотга эга бўлган ва ихтисоси бўйича камида 5 йил иш стажига эга бўлган мутахассислардан, меҳнат шартномаси (контракти) бўйича тайинланади.

**5.2.** Директор (мудир) ўз ваколати доирасида ишларнинг натижалари учун тўлиқ жавоб беради.

**5.3.** АРМ ходимлари шартнома (контракт) асосида ишга қабул қилинади.

**5.4.** АРМ ҳузурида маслаҳатлашув органи сифатида, ишларни бошқа АРМ, АКМ, кутубхоналар, таълим муассасасининг илмий ва ўқув бўлинмалари билан келишиш учун кутубхона-ахборот кенгаши ташкил этилади. Кенгаш таркиби АРМ директори (мудири) тақдимга кўра таълим муассасаси раҳбарияти томонидан тасдиқланади. Китобхонлар АРМ муассасаси билан келишилган ҳолда ташкил этиладиган ҳомийлар кенгашлари ёки китобхонларнинг бошқа бирлашмалари фаолиятида қатнашади.

**5.5.** АРМ ўз фаолияти тўғрисида белгиланган тартибда ҳужжатларни юритади ҳамда ҳисоботларни, иш режаларни ва бошқа аборотларни тақдим этади.

## Тузилмаси ва штатлари

**5.6.** АРМ тузилмаси муайян таълим муассасаси учун якка тартибда ишлаб чиқилади ва анъанавий бўлинмалар (абонементлар, ўқув заллари ва бошқалар)дан ташқари инновация бўлимлари,

секторлар (автоматлаштириш, маркетинг бўлимлари ва боршқалар)ни ўз ичига олиши мумкин.

**5.7.** АРМнинг бошқарув ва хизмат кўрсатиш ходимлари сони таълим муассасаларининг АРМ олдида турган вазифалари ҳисобга олган ҳолда ҳамда хизмат кўрсатиладиган аҳоли ва таълим муассасасининг ўқувчилари сонидан келиб чиқиб, белгиланган тартибда шакллантирилади.

## Молия-хўжалик фаолияти

**5.8.** Таълим муассасаси раҳбарияти АРМни амалдаги меъёрларга мувофиқ зарур хизмат ва ишлаб чиқариш хоналари, элкетрон-ҳисоблаш ҳамда нусха кўчириш-кўпайтириш техникаси ва ташкилий техника билан таъминлайди.

**5.9.** АРМ таъминоти учун харажатлар таълим муассасасининг умумий харажатлар сметасида назарда тутилади.

**5.10.** АРМ ўзининг субҳисоб рақамига эга бўлиши мумкин, унга марказ томонидан пулли қўшимча хизматлар кўрсатиш ҳисобига жалб этиладиган маблағлар киритилади.

## 6.АРМНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА ТУГАТИШ

**6.1.** АРМни қайта ташкил қилиш ва тугатиш (қўшиш, ажратиш, айириш, қайта ўзгартириш) Халқ таълими вазирлиги қарорига

асосан амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган тарзда амалга оширади.

**6.2.** АРМни қайта ташкил қилиш бўйича барча ҳужжатлар (бошқарув, молия-хўжалик ҳужжатлар ва бошқалар), мол-мулк ва фондлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда берилади.

## СамДЧТИнинг ахборот-ресурс марказидан фойдаланиш ҚОИДАЛАРИ

**1.** Ахборот-ресурс маркази (АРМ) фаолияти демократия, инсонпарварлик, умумий фойдаланишга қулайлик, умуминсоний қадриятларнинг устуворлиги, фуқаролилик, шахснинг эркин камол топиши тамойилларига асосланади.

**2.** АРМдан фойдаланиш бепул, АРМ томонидан кўрсатиладиган пуллик хизматларнинг айрим турлари учун тўланадиган ҳақ миқдори қонун ҳужжатларида белгиланади.

## АРМнинг АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

**1.**Универсал ахборот ресурсларини, миллий ва чет эл нашрлари (босма, аудиовизуал, электрон нашрлар ва бошқалар) фондини шакллантириш, сақлаш ва бериш.

2. Фойдаланувчилар учун АРМда ҳамда минтақанинг ахборот-кутубхона маркази (АКМ)даги ҳужжатлар ва бошқа материалларни олиш имкониятини яратиш.

# ФОЙДАЛАНУВЧИЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

АРМдан фойдаланиш ҳуқуқи мазкур АРМ хизмат кўрсатадиган ҳудудда яшайдиган, фуқаролиги, ёши, ижтимоий ва бошқа жиҳатдан мансублигидан қатъий назар, барча аҳолига, шунингдек, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга берилади. Ушбу ҳуқуқ ахборот ресурслари билан жамлашнинг, ахборотларни, шу жумладан кутубхоналараро абонемент тизими орқали бериш, шунингдек кутубхона-ахборот хизмати кўрсатишнинг бошқа шакллари билан таъминланади.

## Фойдаланувчилар куйидаги хукукларга эга:

- АРМ фондидан исталган ҳужжатларни вақтинча фойдаланиш учун олиш, шунингдек, минтақанинг АКМдан ва бошқа кутубхоналардан ҳужжатларнинг босма ёки электрон нусхаларини етказиб бериш тизими орқали узатиш;

-библиографик, маълумотнома ахборот хизматидан ҳамда АРМ томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг бошқа турларидан фойдаланиш;

- АРМ томонидан ўтказиладиган ахборот-оммавий тадбирларда қатнашиш;

- АРМнинг жамоат кенгашига сайлаш ва сайланиш.

Фойдаланувчилар АРМга ёзилиш учун туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномани, паспортини ёки унинг ўрнини босадиган ҳужжатни, зарур микдордаги фотосуратларини такдим этадилар ҳамда китобхон билетини ва рўйхатдан ўтказиш варақасини расмийлаштириш учун маълумотлар берадилар.

Бошқа шаҳарлик фуқаролар вақтинчалик китобхон билетини паспортини ёки паспорт ўрнини босадиган ҳужжатни кўрсатган ҳолда оладилар.

Бошқа мамлакат фуқаролари ўз мамлакати паспорти ёки белгиланган тартибда расмийлаштирилган шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжат асосида китобхонлик билетини оладилар

Фойдаланувчиларга бир йўла фойдаланиш учун бериладиган ҳужжатлар сони АРМ томонидан бир ҳолда тартибга солинади.

Ноёб ва қимматли нашрлар ҳамда ҳужжатлар, шунингдек эълон қилинган материаллар фойдаланувчилар белгиланган тартибга берилади.

АРМ фондларида зарур ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда фойдаланувчилар уларнинг нусхалари минтақанинг АКМдан олиши мумкун.

Фойдаланувчилар АРМ олинган ҳужжатларни ва бошқа материалларни эҳтиёт қилиши шарт.

Фойдаланувчи ҳужжатлар ва бошқа материалларни олишда уларни кўздан кечириши ва уларда бирон-бир нуқсон борлиги аниқланганда бу тўғри АРМ ходимига маълум килиши керак.

АРМ фондига зарар етказмай шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ моддий жиноий ёки бошқача тарзда жавоб берадилар.

АРМ фондидан олинган ҳужжатлар ва материалларни йўқотган ёки уларга тиклаб бўлмайдиган даражада зиён етказган фойдаланувчилар уларни тегишли равишда худди шундай ёки АРМ ходимлари томонидан қимматли деб эътироф этилган (шу жумладан, нусхалари билан) ҳужжатлар ва материаллар билан алмаштириш мумкун бўлмаган тақдирда уларнинг қийматини бир неча баравар миқдорда тўланиши АРМ мутахассислари ёки жалб этилган мутахасислар томонидан, йуқотилган ёки яроқсизлантирилган ҳужжатнанг қийматидан келиб чиққан ҳолда ҳамда амалдаги тартибга солувчи ҳужжатларга мувофиқ белгиланади.

АРМ дан фойдаланиш қоидаларини бузганлиги учун фойдаланувчилар АРМдан фойдаланиш ҳуқуқидан (АРМ маъмурияти томонидан) белгиланган муддатга маҳрум қилиниши мумкун.

## АРМнинг фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш бўйича мажбуриятлари

1. АРМ фондларидаги ҳужжатлар ва материалларни уларнинг сақланишини таъминловчи белгиланган қоидаларга мувофиқ ҳисобга олиш, сақлаш ва фойдаланишни амалга ошириш; маълумотнома–библиографик аппарат,шу жумладан, электрон каталогни юритиш; тавсиянома кўринишидаги библиографик қўлланмаларни ишлаб чиқиш.

2. АРМ қуйидагиларга эга:

- фойдаланувчиларни АРМдаги ва имконият даражасида ундан ташқаридаги барча ахборот ресурсларидан фойдаланиш имконияти билан таъминлаш;

- кутубхона, библиографик, маълумотнома–ахборот хизмати кўрсатишни такомиллаштириш, ушбу мақсадларда фойдаланувчилар билан якка тартибда ва гуруҳлар бўйича иш олиб боришнинг турли шаклларидан фойдаланиш;

- фойдаланувчиларга хизмат кўрсатишда юксак маданият ва малакани таъминлаш, зарур ҳужжатлар ва материалларни қидириб топиш ва олишда ёрдам кўрсатиш;

- фойдаланувчиларнинг қизиқишлари ва ахборотларга бўлган эҳтиёжларини ўрганиш асосида турли манбалардаги ахборот ресурсларини берган ҳолда табақалаштирилган кутубхона-ахборот хизмати кўрсатишни амалга ошириш;

- зарур ахборотни қидириб топишга ўқитишда мустақил равишда таълим олиш кўникмаларини ривожлантириш кўмаклашиш;

- фондларда зарур ҳужжатлар ва материаллар мавжуд бўлмаган тақдирда уларни қидириб топиш ишларини амалга ошириш ҳамда уларни кутубхоналараро абонемент тизими орқали тақдим этиш;

- оммавий тадбирларни юқори савияда ўтказиш;

- АРМ нинг ижобий нуфузуни яратишда кўмаклашиш, АРМ фондларини ва унинг томонидан кўрсатиладиган хизматларни реклама қилиш фойдаланувчининг эҳтиёжларини ўрганиш ҳамда уларнинг хоҳишларимга мувофиқ янги хизматларни ташкил этиш.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги қонун.-Т: “Шарқ”, 1997.

2. Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”.-Т.: “Шарқ”, 1997.

3. Ўзбекистон Республикасининг Конститутцияси .-Т.: “Ўзбекистон”, 1992.

4. А.Авлоний. Туркий гулистон ёҳод аҳлоқ.-Т.: “Ўқитувчи”, 1992.
5. Ал Бухорий. Ҳадислар. 4 – жалд. – Т,: “Қомуслар бош муҳаррияти”, 1997.
6. Архангельский Е.И. Учебный процесс в высшей школе. – М.: Высшая школа, 1998 й.
7. Азаров Ю.П. Искусство воспитывать. 2–е. – М.: Просвещение, 1985.–255 с.
8. Баркамол авлод орзуси. – Нашр учун масъул: - Т.: Рисқиев В. Тузувчилар: Ш.Қурбонов, Х.Саидов, Р.Ақлиддинов.-Т.: Шарқ, 1999 й – 184 б.
9. Абу – Али Ибн Сино “Ҳикматлар”, - Т.: 1980 й.
10. Абу Наср Фаробий “Фозил одамлар шаҳри” - Т.: 1993 й.
11. Ахлоқ – Одобга оид ҳадис намуналари. – Т.: “Фан”, 1980 й.
12. Буюк сиймолар алломалар. (М.Хайруллаев таҳрири остида). – Т.: “А.Қодирий номли халқ мероси” нашриёти, 1995 й.
13. Корнеги Д. «Как завоёвывать друзей и оказывать влияние на людей» (инглиз тил. таржима), М.: ООО. «Сек» 1996 й.
14. Педагогика. – Т.: “Ўқитувчи”, 1996 й.
15. Педагогика тарихи. – Т.: “Ўқитувчи”, 1996 й.
16. Усмонходжаева Т.У. 1001 ўйинлар. – Т.: “Ўқитувчи”, 1993 й.
17. Инсон одоби. – Т.: 1991 й.
18. Комилов Н. Комил инсон ҳақида тўрт рисола. – Т.: “Маънавият”, 1997 й.
19. Одобнома. – Т.: “Фан”, 1992 й.
20. Очилов М. “Ўқитувчи одоби”. – Т.: 1993 й.
21. Педагогик изланиш. – Т.: 1990 й.

# МУНДАРИЖА

Сўз боши ........................................................................................................ 3
Биринчи маъруза. “Мутахассисликка кириш” фанининг мақсади ва вазифалари ........................................................................................................ 4
Иккинчи маъруза. Ўқитувчилик касби, унинг ҳуқуқий демократик жамиятдаги ўрни ........................................................................................................ 9
Учунчи маъруза. Олий ўқув юртида ўқув–тарбия жараёнининг ташкил этилиши ........................................................................................................ 18
Тўртинчи маъруза. Самарқанд давлат чет тиллар институти ҳақида ........................................................................................................ 29
Бешинчи маъруза. Талабаларнинг илмий–тадқиқот ишларида иштирок этиши ........................................................................................................33
Олтинчи маъруза. Бўлажак тарбиячи ва ўқитувчиларни тайёрлаш тизимида малакавий амалиётнинг роли ........................................................................ 35
Еттинчи маъруза. Педагогика Олий ўқув юрти студентларининг мустақил ишлари ........................................................................................................ 38
Саккизинчи маъруза. Самарқанд давлат чет тиллар институти ахборот-ресурс маркази ќақида ................................................................................ 40
Фойдаланилган адабиётлар ........................................................................ 50
Мундарижа ........................................................................................ 51